

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

*УДК: 330.3 (575.1)*

**КАМИЛОВ ДИЛШОД ТЎЙЧИ ЎҒЛИ**

**МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.02 – Макроиқтисодиёт**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**  
**иқтисод фанлари номзоди,**  
**доцент Абдурахимова С.**

**ТОШКЕНТ-2021**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>1-боб.</b>	<b>МАМЛАКАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>12</b>
1.1.	Инвестицияларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ва уларнинг назарий асослари.....	12
1.2.	Мамлакат иқтисодиётида инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар.....	22
1.3.	Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг хорижий тажрибалар қўлланиши.....	32
	Биринчи боб бўйича хулосалар.....	42
<b>2-боб.</b>	<b>МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА АСОСИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ</b> .....	<b>44</b>
2.1.	Инвестиция сиёсатининг барқарорлигини таъминлашда институционал асосларнинг ҳолати.....	44
2.2.	Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг тенденциялари.....	53
2.3.	Инвестициялар қўламини кенгайтиришда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш.....	67
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	75
<b>3-боб.</b>	<b>МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b> .....	<b>77</b>
3.1.	Инвестицион самарадорликни шакллантириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизлари.....	77
3.2.	Мамлакатда инвестиция сиёсатини юриштиришнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш усулини такомиллаштириш.....	89
3.3.	Мамлакат инвестиция стратегияси ва ундан самарали фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш истиқболлари.....	101
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	114
	<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>115</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>119</b>
	<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>126</b>

## Кириш

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда хорижий инвестициялар ҳажми, сифати, қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестициялар самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда. Шунга қарамай, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 34 фоизга қисқариб, 528,2 миллиард долларни ташкил этди, чунки янги иш ўринлари яратиш 41 фоизга камайиб, 1,4 миллионга тушди. 2020 йилда инвестицияларнинг глобал оқими учдан бир қисмга пасайиб, 1 трлн долларга тушиб, ўн йил аввалги жаҳон молиявий инқирозидан кейин эришилган энг ёмон даражадан ҳам анча паст бўлди<sup>1</sup>. Бу эса ўз навбатида, инвестиция сиёсати тўғри олиб борилишини ва инвестициялардан самарали фойдаланиш йўллари оптималлаштиришда унинг замонавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олинишини талаб этади.

Жаҳон банкининг ярим йиллик глобал иқтисодий истиқболлари бўйича прогнозларида 2021 йилга мўлжалланган глобал иқтисодий истиқболда кўтарилишни талаб қиладиган йўналиш назарда тутилган бўлса-да, савдо ва бошқа сиёсат билан боғлиқ тахминларни ҳисобга олган ҳолда прогноз атрофида юқори даражадаги ноаниқликлар мавжуд<sup>2</sup>. Савдо ва сармоялар босқичма-босқич тикланиб бораётгани сабабли, глобал ўсиш 2020 йил 2,5 фоизга, 2019 йилдаги тахминий 2,4 фоиздан кичик кўрсаткичга кўтарилди. Ривожланаётган бозор ва иқтисодиёт ўсишини 2021 йилда ўтган йилги 3,5 фоиздан 4,1 фоизгача тезлаштириши кутилмоқда<sup>3</sup>. Бироқ, бу тезлашиш кенг миқёсли бўлмай, балки чуқур таназуллар ёки кескин пасайишлардан сўнг барқарорлашаётган бир нечта йирик ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида инвестициялардан самарали фойдаланиш

<sup>1</sup> The FDI Report 2021 // Global greenfield investment trends. <https://fdi-report-2021.fdiintelligence.com>.

<sup>2</sup> January 2020 Global Economic Prospects: Slow growth, policy challenges.

<sup>3</sup> World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank. DOI: 10.1596/978-1-4648-1468-6.

ҳолатидан келиб чиқиши кутилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу соҳа доирасида жаҳоннинг турли илмий марказлари, олим ва мутахассислари томонидан инвестициялар самарадорлигини оширишнинг мақбул механизмини излаб топиш, фавқулодда юз берадиган ҳолатлар ва хатарларни олдиндан аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган бўлиб, бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>4</sup> «инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш» вазифаси белгилаб берилган.

Мазкур илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 28 январдаги «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 15 мартдаги «Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-2836-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», ПҚ-4300-сонли, 2020 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга

---

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.

мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПҚ-4937-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестиция фаолиятини ташкил этиш, унинг самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари хорижий ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари томонидан кенг ўрганилган ва уларнинг ишларида илмий-услубий ҳамда амалий қоидалар асослаб берилган. Бу муаммолар Ғарб иқтисодчилари Ж.Хикс, А.Смит, Д.Рикардо, Дж. Кейнс, А.Пигу, А.Маршалл, Г.Шарп, Г.Александр, Л.Альфарио ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган<sup>5</sup>.

Мамлакатимиз олимлари илмий ишларида инвестиция жараёнлари, уни фаоллаштиришнинг механизмлари ва ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини оширишнинг турли жиҳатлари<sup>6</sup> С.С.Ғуломов, Б.Б.Беркинов,

---

<sup>5</sup>Хикс Ж.Р. Стоимость и капитал.: Инг. тил. тарж. Р.М.Энтонов- М.: Прогресс,1993, - С. 488.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Изд. соц.-экон. литературы, 1962. С. 256.; Смит А., Рикардо Д. Сочинения // Классика экономической мысли. - М.: ЭКСМО Пресс, 2000. - 164 с.; Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег / пер. с англ. проф. Любимова Н. Н. под ред. Куракова Л.П. М.: «Гелиос АРВ», 1999. С. 7.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. - М.: Прогресс, Т. 2 - 1985. - 240 с. Маршалл А. Принципы экономической науки/ А.Маршалл: В 3 т. -М.: Прогресс. - Т.3. - 1984.-119 с.; Шарп У., Александр Г.VernonR. International Investment and International Trade in Product Cycle // Quarterly Journal of Economics. — 1966. — № 80. — P. 190–207.; Alfaro L., Rodriguez-Clare A. Multinationals and Linkages: Evidence from Latin America // Economic. - 2004. № 4. P. 113–172.

<sup>6</sup>Тулямов С.Г. Анализ проектов. – Т., 1996, - С. 125.; Б.Б. Беркинов ва б. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: Иқтисод, 2011.- 128 б.; Вахабов А.В., Хажикакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хожирий инвестициялар. Учебное пособие. Т.: Молия, 2010.-238 с.; Мустафакулов Ш.Совершенствование научно-методологических основ повышения привлекательности инвестиционной среды в Узбекистане. Автореферат докторской (DSc) диссертации по экономическим наукам. БФА РУз, 2017.57 с.; Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари, - Т, Молия, 2003.; Хикматов А. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане// Рынок, деньги и кредит, - Т. 2000, - №6, - С. 44-45.; Юлдашев Ш.Г. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси миллий тақрор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш ва эркинлаштириш омили сифатида. - Т. 2002, - Б. 125.; Мухиддинов Р.М. Организационно-экономические проблемы интенсификации инвестированного процесса. - Т., Фан, 1990.; Амонов Х.Э. Привлечение иностранных инвестиций в условиях приватизации: автореф. дис. ... канд. экон. наук; Банк. финанс. академ. – Т.: 2002. – 20 с.; Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения

А.В.Вахобов, Ш.Мустафакулов, Д.Ғозибеков, А.Ҳикматов, Ш.Юлдашев, Р.М.Мухиддинов, Х.Э.Амонов, Ш.Х.Назаров, Н.Н.Облмурадов, Н.А.Хашимова, А.А.Собиров ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ёритилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодийига йўналтирилган инвестициялар кўлами, таҳлили, ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг ўзига хос ривожланишини ҳисобга олган ҳолда эътиборни кучайтириш талаб этилади. Мазкур тадқиқот иши доирасида юқорида кайд этилган муаммоларни атрофлича ўрганиш назарда тутилган. Бу эса ўз навбатида, ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини ўрганиш асосида ҳудудлар иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига бўлган таъсирини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323 «Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан фойдаланиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Диссертация ишининг мақсади мамлакатда инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидагилар диссертация ишининг асосий вазифалари сифатида белгиланган:

---

конкурентоспособности региона//Монография. Ташкент, IFMR. 2014.; Облмурадов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлар: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент: Давлат ва жамият қурилиши академияси. 2008. 143 б.; Хашимова Н.А. Совершенствование научно-методических основ развития инвестиционного потенциала в Республике Узбекистан. Автореф. дис. к.э.н., Т.: Ташкентский государственный технический университет, 2017. Собиров А.А. Совершенствование механизмов управления и регулирования привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику Узбекистана. Автореферат докторской (DSc) диссертации по экономическим наукам. Т.: Ташкентский государственный экономический университет, 2019. - С. 85-87.

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг моҳиятини очиб бериш асосида назарий қарашларни умумлаштириш;

ҳудудларга киритилаётган инвестицияларни жалб қилиш бўйича яратилган шарт-шароитларни ўрганиш;

иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялардан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида ҳудудларда мавжуд муаммоларни аниқлаш;

инвестициялар самарадорлиги бўйича ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

Жиззах вилоятига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва вазибаларини ўрганиш;

ҳудудларда инвестиция стратегияси ва уни амалга оширишни бошқариш механизминини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

мақбул инвестиция муҳитинини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

инвестициялардан самарали фойдаланишга доир илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида инвестициялар жалб қилинган соҳалар, корхоналар ва ҳудудлар тадқиқотнинг объекти сифатида танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** инновацион иқтисодиёт шароитида ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигинини ошириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида тизимли таҳлил, статистик - иқтисодий ва иқтисодий-математик моделлаштириш, қиёсий ва таркибий таҳлил ҳамда қатор бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:**

макродаражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, илмий-техник жараёнлар, маҳсулотлар сифатинини яхшилаш ва

рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари амалга ошириш асосида инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш усули такомиллаштирилган;

инвестициялар самарадорлигини баҳолаш услуги эркин иқтисодий зоналарда инвестициялар самарадорлигини «юқори» (91-100), «яхши» (7-89,9), «ўртача» (50-70,9), «паст» (21-49,9) ва «самарасиз» (0-20,9) қиймат даражасида баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

интеллектуал тизимларга инвестиция киритиш, рақамли инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда солиқ имтиёзининг рағбатлантирувчанлик таъсирини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

худудий инвестиция стратегиясида хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестиция улушини оширишнинг 2020-2025 йиллар прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

худудларга инвестициялар жалб қилиш самарадорлигини ошириш бўйича яратилган шарт-шароитларни ўрганиш асосида худудий инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш борасидаги вазифалар услубий жиҳатдан ўрганилган;

инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини аниқлаш жараёнларини илмий таҳлил қилиш худудларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш тизими таклиф этилган;

жалб қилинадиган инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари такомиллаштирилган ва инвестициялардан янада самарали фойдаланишга доир илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ҳаққонийлиги фойдаланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, шу жумладан, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олинганлиги, бошқа



расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқотда ҳудудларга инвестициялар жалб қилишнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар мавзу бўйича услубий маълумотларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудларда инвестициялар жалб қилишнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳудудий дастур ва прогнозларни ишлаб чиқиш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек «Хорижий инвестициялар ва кичик бизнес», «Инвестициялаш» ва «Инвестицияларни бошқариш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мамлакатда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

макродаражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари амалга ошириш асосида инвестициялардан самарали фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш усули бўйича таклиф Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 29 мартдаги 03/14-01-10/10-958-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида инвестицион фаолликни оширишнинг устувор йўналишлари, ҳудудий инвестиция стратегияси ва ундан самарали фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш усуллариининг илмий асосланганлик даражасини оширишга хизмат қилган;

инвестициялар самарадорлигини баҳолаш услубиёти эркин иқтисодий зоналарда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини «юқори», «яхши», «ўртача», «паст» ва «самарасиз» қиймат даражасида баҳолаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳудудларда инвестициялардан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 29 мартдаги 03/14-01-10/10-958-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш ҳудудларда ижобий инвестицион ўсиш тенденцияларини мустаҳкамлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берган;

интеллектуал тизимларга инвестиция киритиш, рақамли инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда солиқ имтиёзининг рағбатлантирувчанлик таъсирини ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 29 мартдаги 03/14-01-10/10-958-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида ҳудудларга киритилаётган инвестицияларни жалб қилиш бўйича яратилган шарт-шароитлар, унинг фойдалилигини оширишнинг ўзига хос йўлларини ишлаб чиқишга асос бўлди;

худудий инвестиция стратегиясида хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестиция улушини оширишнинг 2020-2025 йиллар прогноз параметрларидан Жиззах вилоятида инвестициялар самарадорлигини оширишнинг худудий дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 29 мартдаги 03/14-01-10/10-958-сонли, Жиззах вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасининг 2020 йил 28 августдаги КА 06-357-2808-сонли маълумотномалари). Натижада худудий инвестиция истиқболлигини

баҳолаш аниқлигини ошириш ҳисобига вилоятда инвестициялар самарадорлиги даражасини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 6 та, жумладан 4 та республика ва 2 та халқаро илмий амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жу жумаладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шу жумладан 4 та республика ва 1 та нуфузли хорижий журналларда, шунингдек илмий амалий конференция тўпламларида 10 та маъруза тезиси чоп этилган.

**Диссертациннинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетдан иборат.

# **1-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ва уларнинг назарий асослари**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ривожлантиришни таъминлаш учун иқтисодийга жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини ошириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида, иқтисодий либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш<sup>7</sup> борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда инвестициявий жараённи назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш, инвестицияларни жалб этишнинг асосий шарти бўлган қулай инвестиция муҳитни яратиш имкониятларини ўрганиш, иқтисодийга инвестициялар жалб қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда шу орқали аҳоли турмуш даражасини оширишни ҳозирги давр шарт-шароитларига мос тарзда такомиллаштириш ва инвесторларнинг жаҳон бозорига чиқиш йўллари қидириш заруриятидан келиб чиқмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони. [http:// www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).

Мурожаатномасида таъкидлаганидек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики<sup>8</sup>, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади. 2020 йилда 202 триллион сўм асосий капиталга бўлган инвестициялар ўзлаштирилган. Уларнинг 65,4 фоизи жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, умумий сумма эса 34,6 фоизни ташкил этди.

Бунда 86 триллион 647 миллиард сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг 42,9 фоизи хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган. Жами хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 32 триллион 847 миллиард сўмни ташкил этган ва қолган 53 триллион 799,8 миллиард сўм хорижий кредитлар ҳисобига тўғри келган. Бу борада, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 28 триллион 740 миллиард сўмни ташкил этган ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,3 фоиз пунктга камайиб, 14,2 фоизни ташкил этган.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги даврида мамлакатмизда амалга оширилаётган инвестиция соҳасидаги ислохотлар иқтисодий барқарорлик, таркибий тузилмалар ислохотини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, иш ўринларини яратишга хизмат қилувчи фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳудудларда изчил амалга ошириш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келади.

Инвестиция жараёнлари ва ундан самарали фойдаланиш йўллари

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [http:// www Lex.uz](http://www.lex.uz).

аниқлаш ушбу фаолиятни такомиллаштириш бўйича тадқиқот олиб боришни мақсад қилиб олар эканмиз, бунинг учун аввало мазкур тушунчанинг моҳияти, мазмунига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Инвестиция сўзи инглизча «investments» сўздан олинган бўлиб, «капитал қўйилма», «қўйиш», «сафарбар этиш» маъноларини англатади. Инвестиция (сармоя) – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни муайян муддатда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари (объектлари)га йўналтиришни англатади. Айтиш лозимки, дунё ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида бирор мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмайди.

Ғарб олимларидан К.Макконнелл фикрича<sup>9</sup>, «Инвестиция ишлаб чиқариш ва жамғариш воситалари (асбоб-ускуналар, машина, завод-фабрика, транспорт воситалари, товар ва хизматларни истеъмолчига етказиб бериш тизими) жараёнидир». Аммо, ушбу таъриф инвестицияга бир томонлама ёндашувни акс эттириб, портфель инвестицияларни назардан қочиради. Инвестицияларнинг туб моҳиятини<sup>10</sup> «Инвестициялар - бу ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш воситаларини тўплаш ҳамда моддий захираларни кўпайтириш харажатларидир» деб берилган таъриф ҳам назарий жиҳатдан ифодалаб беради.

Д.М. Розенберг ўзининг «Инвестициялар» луғатида инвестицияларга таъриф берар экан, инвестиция – кўпайтириш, даромад олиш ёки капитални ўстириш мақсадида пул сарфланишидир, деган фикрни беради<sup>11</sup>. Миллий иқтисодиётдаги инвестицияларнинг ролига баҳо бериб, россиялик иқтисодчи олим Е.В. Михайлова «инвестициялар келажакда даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда қўйиш сифатида ифодаланади»<sup>12</sup> деган фикрни илгари сурди.

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан академик С.С.Ғуломовнинг фикрича<sup>13</sup>

<sup>9</sup> Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. М.: 1992, С. 120-121

<sup>10</sup> Кэмбелл Р., Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах, Таллин, 1993. с. 399-40

<sup>11</sup> Розенберг Д.М. Инвестиции.- М.:ИНФРА, 2007, с-173.

<sup>12</sup> Михайлова. Е.В. Финансовые рынки и их формирование. Под. Ред. Л.Н.Красавиной. - М. 2007, с-357.

<sup>13</sup> Менежмент ва бизнес асослари(дарслик). С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Мехнат.1997-245 б.

«Инвестиция деб ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор-бир инвестицион объектга сарфлашига айтилади». Бу тушунча Д.Ғозибеков<sup>14</sup> берган таърифга кўра, «Инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бўлмаган бугунги қийматини алмаштиришдан иборат». Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган қалтисликлар билан боғланишини келтиради.

А.Собировнинг<sup>15</sup> эътирофи этишича, «Инвестициялар - бу даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига инвесторлар томонидан қўйиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидир».

Юқорида олимлар томонидан келтирилган «инвестиция» тушунчасининг таърифларини, инвестициянинг мазмуни тўғрисидаги фикрларни, инвестициялар бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштирган ҳолда, «инвестиция самарадорлиги» тушунчасининг қуйидагича таърифини илгари сурамиз: «Инвестициялар самарадорлиги – бу даромад олиш, ижтимоий самарага эришиш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига инвесторлар томонидан қўйиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидан олинадиган самарадорликдир».

Демак, инвестиция фойда олиш мақсадида инвесторнинг миллий иқтисодиётга маблағ киритиши бўлиб, келажакда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятини яратиш мақсадида эртанги кунга маблағни мақсадли

---

<sup>14</sup> Д. Ғозибеков «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари», Тошкент, «Молия», 2003 й.

<sup>15</sup> Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. И.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: ТДИУ. 2009. 12 б.

сарфлашдир. Бу борада хўжалик фаолияти натижалари билан бирга мамлакатнинг геосиёсий жойлашуви ва давлат томонидан юритилаётган ички сиёсат муҳим ўрин тутди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунчилигида «Инвестициялар - иқтисодий ёки бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборатдир» деб таърифланган. Мамлакат иқтисодиётига инвестиция жалб қилинар экан, албатта, сармоя киритувчи ҳар бир инвестор, авваламбор, ушбу мамлакатнинг инвестицион муҳити ва жозибadorлигига эътибор қаратади.

Киритилаётган инвестиция қандай кўринишда бўлмасин, у рақобат муҳитини ривожлантириш, рақобатга бардошли маҳсулот турини ишлаб чиқаришни тезлаштириш, ё бўлмаса, бевосита янги, замонавий инновацион, илғор техника ва технологиялар олиб келади, ҳамда диверсификациялашни амалга оширади, оқибатда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш тезлашади ёки мавжуд ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакатда қулай инвестиция муҳити яратилиши инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатда инвестиция муҳити яхшиланар экан, ўз навбатида иқтисодиётга киритиладиган инвестиция, айниқса хорижий инвестициялар ҳажми ҳам ортиб боради. Бу эса мамлакат иқтисодиётига яна бир масъулиятли, яъни киритилган инвестициядан самарали фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш вазифасини кўяди.

В.П. Ждановнинг “Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибadorлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи”<sup>16</sup> деб берган таърифида бир ёқламалик кўзга ташланади. Чунки хавф-хатарлар молиявий ва сиёсий жиҳатдан эътиборга олинган. Бу борада иқтисодий-ижтимоий хавфларни ҳам эътиборга олиш ва инвестицион


---

<sup>16</sup> Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. -Калининград: БИЭФ, 2001.,-С. 355.



жозибаторликка аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқот ишида келтирилган ушбу назарий ёндашувлар, уларнинг асосини ташкил этадиган белгилар инвестицияларни бошқариш, инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва тизимли ёндашувни кўзлаган ҳолда белгиланган вазифалар мажмуини ҳал этиш имкониятини беради. Инвестицион фаолиятни юксалтириш «инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи»<sup>17</sup> сифатида тушунилади (1.1-расм).



**1.1-расм. Инвестицион фаолият босқичларининг вазифалари**<sup>18</sup>

Мамлакат инвестициявий жозибаторлиги тўғрисида И.А.Бланк фикр билдирар экан, иқтисодиёт тармоқларининг инвестиция жозибаторлигини баҳолаш бўйича иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг истиқболлилик даражаси, корхоналарнинг ўртача рентабеллилик даражаси, инвестиция таваккалчиликларини баҳолаш каби уч асосий элементи мавжудлигини<sup>19</sup> таъкидлайди. Мамлакат инвестициявий жозибаторлигини баҳолашнинг асосий элементлари қаторига, фикримизча, мамлакатнинг умумий иқтисодий

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Қонуни 1998. Халқ сўзи №

<sup>18</sup>

<sup>19</sup> Бланк И. А. Управление инвестициями предприятий. - К.: Ника-Центр, Эльга. 2003. – С. - 102.

ривожланиши, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, инвестиция фаолиятини юритиш хавфсизлиги ҳолати, ҳамда демографик тавсифи каби кўрсаткичларни кўшимча сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ривожланган давлатнинг иқтисодий тараққиётида инвестициялар асосий омил сифатида роль ўйнайди. Бунда иқтисодий ўсиш даражасини аниқлашда ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, миллий даромадга нисбатан реал даромаднинг кўпайиши, шунингдек, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўсиши муҳим аҳамиятга эга кўрсаткичлар ҳисобланади.

Инвестицион фаолиятни амалга оширишда қуйидаги асосий босқичларга ажратиш мумкин: инвестициялашгача бўлган босқич – инвестицион ресурсларни жамғариш ва энг кўп фойда келтирадиган объектларга инвестициялашни амалга ошириш жараёнлари. Бу ерда инвесторлар томонидан қўйиладиган мақсад жамғармалардан олинадиган манфаат ва мотивацияга боғлиқ бўлади.

Иккинчи босқич – инвестициялаш ёки ресурсларни капитал қўйилмаларга айлантириш, яъни инвестицион фаолият объектларига инвестицияларни трансформациялаш жараёнидан иборат. Учинчи босқич – ресурсларни инвестициялашга ўзгартириш жараёнини яқунлаш, янги харид қилиш қийматининг юзага келишини ифодалайди. Сўнгги – тўртинчи босқич эса инвестицион фаолият мақсадининг якуний реализацияси – инвестициялашдан олинадиган даромадлар ҳисобланади.

Маълумки, инвестициялар жамиятнинг реал капиталини кўпайтиришга йўналтириш ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Тармоқлар иқтисодиётига янги технологиялар ва инвестициялар киритиш кескин рақобатчилик курашида (ички ва ташқи бозорда ҳам) аниқроқ мослашиб олиш имконига эга бўлишга ёрдам беради.

Инвестициялар энг муҳим иқтисодий категория бўлиб, макро ва микро даражада, биринчи навбатда, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш,

таркибий ўзгаришлар, фойдани максималлаштириш ва шу асосда кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутаети. Инвестицияларни жалб қилиш манбалари бўлиб республика ва маҳаллий бюджет ажратмалари, хорижий инвестициялар, шахсий молиявий маблағлар, турли шаклдаги қарз маблағлари хизмат қилиши мумкин.



**1.2-расм. Худудларда инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар<sup>20</sup>**

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инвестициялар мамлакатнинг доимий ривожланишини таъминлайди ва молиявий ресурсларни жамлаш ҳисобига шахсий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги корхоналарни сотиб олиш, бизнеснинг янги йўналишларини эгаллаш каби вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда инвестициялар самарадорлигини оширишни баҳолашда унга таъсир этувчи омилларни гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ (1.2-расм).

Инвестициялар хоҳ макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро

<sup>20</sup> Таҳлилий маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

(корхоналар) даражада бўлсин, иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил бўлиб, уларнинг ёрдамида бажариладиган асосий вазифаларга қуйидагилар киради:

инвестиция ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуриш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради;

мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади;

миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади;

миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади;

миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви амалга ошади. Мавзу доирасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида инвестиция фаолиятига эътибор қаратадиган бўлсак, 2012 йилга нисбатан асосий капиталга инвестиция ҳажми 2020 йилда 177544,8 млрд. сўмга ошиб, 202000,1 млрд. сўмга етди (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида 2012-2020 йилларда инвестицион фаолликнинг ўзгариши<sup>21</sup>

Кўрсаткичлар	2012 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йилда 2012 йилга нисбатан (+,-)
Асосий капиталга инвестиция, жами. млрд сўм.	24455,3	44810,4	72155,2	124231,3	195927,3	202000,1	177544,8
Ўсиш кўрсаткичлари, %	110,6	109,4	119,4	129,9	138,1	142,4	31,8
Хорижий инвестициялар ва кредитлар, шу жумладан, млрд. сўм	4653,3	8309,5	17146,6	30154,8	85437,2	86647,0	81993,7
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, млрд. сўм	3668,6*	6133,1*	12768,6*	9141,6	38154,8	64179,9	60511,3

\* Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.// www/ stat.uz.

1.1-жадвалдан кўришиб турибдики, асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2012 йилда 24455,3 млрд. сўм бўлиб, ўсиш суръати 110,6 % ни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 3668,6 млрд. сўмни ташкил этган эди. 2020 йилда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 202000,1 млрд.сўмни, хорижий инвестиция ва кредитлар 86647,0 млрд.сўмни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 64179,9 млрд. сўмга тенг бўлган. Таҳлилдан маълумки, инвестициялар бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилганлиги хорижий инвестициялар миқдорининг таҳлил даврида 2,5 баробарга ошишига сабаб бўлган.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётига ички ёки хорижий сармояларнинг жалб этилиши шу давлатдаги чекка ҳудудларнинг инвестициявий муҳитига бевосита боғлиқдир. Инвесторлар учун инвестициявий муҳитни баҳолашда, авваламбор, унинг кучли томонлари, ижобий омиллари, шарт-шароитлар, камчиликлар, рисклар ва таҳдидларга эътибор қаратилади. Бунда: давлатнинг сиёсий барқарорлиги, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги; демократик сиёсат, табиий ресурслар ва бойликлар, ишловчи ходимларнинг малака даражаси, касбий ва ижрочилик маҳорати, аҳолининг харид қобилияти, солиқ ва божхона режимида инвесторлар учун жорий этилган турли имтиёзлар ҳисобга олинади.

Инвестиция категориясининг назарий асосларини ўрганиш бевосита инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий жиҳатларини етарли равишда тадқиқ этиш, ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганишни тақазо қилади. Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда устувор соҳаларига хорижий инвестицияларини жалб қилиш, аҳоли турмуш фаровонлиги, бандлигини таъминлашда энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу борада инвестициялар жалб қилиш орқали ҳукумат томонидан барча тармоқларни модернизациялаш ва диверсификациялаш, техник-технологик янгилаш сиёсати олиб борилаётганлиги катта аҳамиятга эга.

## **1.2. Мамлакат иқтисодиётида инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун «..халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш» белгилаб берилган.

Иқтисодий ислохотлар шароитида инвестицион-инновацион ўзгаришлар хорижий инвестициялар ва кредитлар таркибида тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестицияларнинг ўсиши макроиқтисодий барқарорликка эришиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш учун тегишли шарт-шароитлар яратмоқда. Шу нуқтаи назардан миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудуднинг инвестицион салоҳияти, унга киритилган инвестициялар самарадорлиги макроиқтисодий кўрсаткичлар хусусиятларига боғлиқ.


Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 189,9 трлн. сўмни (доллар эквивалентида 21,5 млрд. АҚШ долл.) ташкил қилиб, бу ўтган йилга нисбатан асосий капиталга инвестициялар 133,9 % ҳажмида ўзлаштирилди демакдир. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг жадаллик билан ортиб бориши асосий омил бўлди. Улар 2019 йилга нисбатан 3,9 маротаба ўсиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 31,0 % ини, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 19,6 % ини (ёки 3,6 марта ўсишни) ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар – 14,7 % (ёки 142,4 %), бюджет маблағлари – 7,6 % (ёки 117,7 %) ни ташкил этди.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсати ишлаб чиқилган бўлиб, унда иқтисодиётга маблағ киритиш учун қулай шароитлар яратиш орқали юқори инвестиция салоҳиятини амалга ошириш белгиланган. Шу ўринда мазкур мақсаднинг амалга ошишида ҳудуднинг инвестицион жозибadorлигини ошириш, инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади. Ҳар бир ҳудуднинг ўз маҳаллий ички сиёсатини ишлаб чиқиш асосида ҳудудлар томонидан инвесторларни жалб қилиш учун максимал даражада жозибador шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилиши лозим.

Шу ўринда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш биринчи навбатда қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишни, шунингдек, ислохотларни изчил амалга оширишни назарда тутди. Мамлакат ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш учун ваколатли органларга, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторларига бир қатор жавобгарликлар юклатилади. Жумладан, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган тизимли камчиликларни аниқлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритиш лозим.

Бундан ташқари, мамлакат ва унинг ҳудудларини барқарор, жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий, минерал-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарadorлигини, иқтисодий ҳамда инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, бошқа қиёсий устунликларини баҳолаш бўйича ягона тизимни ташкил этишни белгилаш лозим (1.3-расм).



**1.3-расм. Инвестициявий салоҳиятни қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизим вазифалари<sup>22</sup>**

Ҳар қандай мамлакатнинг инвестициявий салоҳиятини баҳолашда унинг ҳар бир ҳудудининг ўзига хос иқтисодий, табиий имкониятлари ва хусусиятларни эътиборга олган ҳолда инвестицияларни жалб қилишнинг асосий воситаларига эътибор қаратиш лозим. Жумладан:

инвестицион ҳамкорлик муносабатларни яратиш дастурини ишлаб чиқиш;

мақсадга йўналтирилган лойиҳалар тақдимотини амалга ошириш ва уларни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш;

ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва битимларни тузиш ва уларнинг мониторингини юритиш;


маҳаллий, хорижий инвесторларга ва мақсадли лойиҳаларга махсус имтиёзлар, преференциялар бериш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Мамлакат иқтисодиётига инвестиция оқимини йўналтириш борасида маҳаллий ёки хорижий инвестициялар учун жозибадор шарт-шароитни

<sup>22</sup>



яратиш умумдавлат даражасига нисбатан ҳудуд даражасида осонроқ ҳал бўлади. Инвестицион салоҳиятни иқтисодий-ижтимоий, географик фарқларни ўз ичига олган омиллар нуқтаи назаридан ҳудудларга тегишли ўзига хос гуруҳларга бўлиш мумкин. Одатда ҳудудларнинг мутлақ (абсолют) устунликлари аҳоли ва меҳнат ресурсларининг сони, демографик хусусиятлари, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, урбанизация даражаси, транспорт йўллариининг географик жойлашиши ҳамда бошқа бир қатор ўзига хосликлар билан баҳоланади. Инвестиция салоҳияти объектнинг ишлаб чиқариш омиллари (табiiй ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфратузилма ва бошқалар) билан таъминланганлиги, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни инобатга олади (1.3-расм).



**1.3-расм. Ҳудуднинг инвестицион салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омиллар<sup>23</sup>**

<sup>23</sup> Манба: Тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан тузилган.

Инвестиция салоҳияти ҳар бири ўз гуруҳ кўрсаткичларини ифодаловчи қуйидаги таркибда бўлиши мумкин: хом ашё, табиий ресурслар асосий турларининг захиралари билан ўрта меъёردа таъминланганлиги, меҳнат ресурслари ва уларнинг таълим даражаси, аҳолисининг хўжалик фаолиятидаги жами натижалари, фан-техника тараққиёти натижаларининг қўлланилиш даражаси ва бошқалар. Мазкур кўрсаткичлар мавжуд маълумотлар асосида биз томонимиздан қуйидагича умумлаштирилди.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳияти алоҳида соҳалар, объектлар мавжудлиги ҳамда уларнинг иқтисодий «соғлом»лигига боғлиқ объектив шарт-шароитлардан иборат. Инвестиция имкониятларини баҳолаш ҳамда уни тартибга солишда, албатта, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларни эътиборга олиш ва шу асосда инвестициялардан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун инвестиция фаолитятини тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий салоҳиятни мувозанат ҳолатига келтириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Инвестицияларни киритишга талаб даражасидаги шароит яратилиши макродаражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, илмий-техник жараёнлар, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва рақобатбардошликни таъминлашни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, илмталаб соҳалар тараққиёти, аҳоли иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасини пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ҳам катта эътибор қаратилиши лозим.

«Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили, динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош

мақсадимиздир»<sup>24</sup>. Зеро мамлакатимизда 2018 йилга «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили», 2019 йилга эса «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб ном берилганлиги бугунги кундаги иқтисодий ислохотларнинг бардавомлигидан дарак беради.

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий, ресурс, экологик ва бошқа салоҳиятлари улкан бўлиб, уларнинг тўлиқ очиб берилиши инвестицион жозибадорликни оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Шу ўринда мамлакатнинг инвестиция кўрсаткичлари самарадорлиги даражасига эътибор қаратмоқчимиз. Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришлар жараёнини жадаллаштиришга, унинг муҳим тармоқларига хорижий ва ички инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш орқали эришилади (1.2-жадвал).

## 1.2 - жадвал

### Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича кўрсаткичларнинг ўзгариши (млрд. сўм ҳисобида)<sup>25</sup>

Кўрсаткичлар	2000	2005	2010	2015	2020	2020 йил кўрсаткичларининг 2000 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	291,1	1820,0	8638,6	25166,4	69892,0	69600,9
Қабул қилинган маблағлар	453,4	1345,2	7825,1	19644,0	132108,1	131654,7
Давлат бюджети	217,4	386,2	862,2	1885,4	13130,0	12912,6
Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	53,6	120,3	1488,5	4915,7	28482,0	28428,4
Чет эл инвестициялари ва кредитлари	172,7	686,8	4340,8	8309,5	86658,0	86485,3

1.2-жадвалда Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича кўрсаткичларнинг ўзгариши келтирилган бўлиб, иқтисодиётга киритилаётган инвестиция манбаларида 2000 йилда

<sup>24</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган. // [www/stat.uz](http://www/stat.uz).

корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари бўйича 291,1 млрд. сўмга тенг бўлиб, қабул қилинган маблағлар 453,4 млрд. сўм, давлат бюджетидан 217,4 млрд. сўм, банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 53,6 млрд. сўм ва чет эл инвестициялари ва кредитлари 172,7 млрд. сўмни ташкил қилган.

Жадвалда берилган кўрсаткичлардан корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари бўйича ҳажми 2020 йилда 2000 йилга нисбатан 69600,9 млрд. сўмга ошиб, 69892,0 млрд. сўмга тенг бўлди. Бунда банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 28428,4 млрд. сўмга, чет эл инвестициялари ва кредитлари 86485,3 млрд. сўмга, ҳамда давлат бюджети маблағлари 12912,6 млрд. сўмга ошиб, мос равишда 28482,0 млрд. сўм, 86485,3 млрд. сўмга, ҳамда 12912,6 млрд. сўмга етди. Таъкидлаш жоизки, 2000 йилда умумий инвестициялар ҳажмининг 18,4 фоизи давлат бюджетидан амалга оширилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 14,4 фоизга камайган ва ҳозирги кунда умумий инвестициялар ҳажмининг яқин 4,0 фоизини ташкил этмоқда.

Мамлакатда инвестициялар самарадорлигини ошириш учун мўътадил ва жозибадор инвестиция шарт-шароитини яратиш халқаро тажриба ва бозор ислохотлари шароитида тўлиқ ва мустақкам қонунчилик базасини таъминлашдан иборат бўлади. Мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароит, инвестицион жозибадорликнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳукумат томонидан бериладиган имтиёз ва преференциялар тизими туфайли кириб келаётган инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.

«Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан «Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка олинган ҳар қандай даромад кафолатланади».

Шунингдек, мазкур қонуннинг 6-моддасига кўра чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги

корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, ушбу моддага асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари миқёсида инвестицияларнинг киритилиши кўриб чиқилса, улардан давлат томонидан киритилаётган инвестициялар улуши, умумий киритилаётган инвестициялар улушидан ҳамон юқори бўлиб қолаётганлиги маълум. Хорижий инвестицияларни ҳудудларга жалб қилиш бир-биридан кескин фарқ қилишини, ҳудудларга жалб қилинган умумий инвестицияларда хорижий инвестицияларнинг улушлари турлича эканлигини кўриш мумкин.



**1.4-расм. Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига хорижий инвестиция ва кредитлари<sup>26</sup>**

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

1.4-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми умумий инвестициялар ҳажмининг 23,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 19,7 фоизга ўсиб, 42,9 фоизга етди. Аммо, таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 0,7 фоизга камайган ва бу ўз навбатида бутун дунёда юзага келган пандемия таъсири билан изоҳланади. Мамлакат ҳар бир танланган ҳудуди кўлами, ташкилий-қонуний тизими ва бюджети, ҳудуд имкониятларини инобатга олган ҳолда ҳудудларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича масалаларни комплекс ҳал қилиш, бор имкониятларни маълум бир йўналишга ажратиш мумкин:

ҳудудларни стратегик тараққий эттиришга қаратилган ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва улар асосида маҳаллий ҳамда хориж ишбилармонлари ўртасида алоқаларни жонлантириш, ҳудуд ўзига хослигини кўрсатишга, ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий шерикчиликка тайёр эканлигини намоён қила олишни ифодалаши керак;

мамлакат иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичлари асосида ва уларни жадаллашган тарзда ривожланишини рағбатлантириш орқали тўғридан-тўғри маҳаллий ва хорижий инвестицияларни унумли лойиҳаларга жалб қилиш стратегиясини такомиллаштириш;

замонавий таълим-фан тараққиётини қўллаш асосида кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида тадбиркорлик муҳитига инновацион технологияларни татбиқ этиш:

мамлакатда ички инвестиция имкониятларини ривожлантириш ва корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш жараёнида жадал рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

норматив-ҳуқуқий муҳит асослари ҳамда инвестицияларни қонуний ва институционал қафолатлаш механизмлари ишидаги пайдо бўладиган баъзи келишмовчиликларини бартараф этиш;

инвестицияларни бошқариш тизими ва ўзига хос қалтисликлари,

хатарлиликлари ҳамда таваккалчиликни камайтириш, мамлакат иқтисодий ва инвестиция салоҳиятини оширишга кўмаклашадиган давлат рағбатлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш.

Мамлакатга инвестициялар йўналтиришда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш лозим. Эркин иқтисодий зона тараққиёти учун зарур транспорт коммуникациялари ва инфратузилма ривожланишида ташкилий механизмларни янада такомиллаштириш талаб қилинади.

Мамлакат инвестиция ислохотларини ривожлантиришда иқтисодий, ижтимоий-ташкилий ва технологик ривожланиш даражаларини, иқтисодий-молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, мавжуд ишчи кучидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада йирик муаммоларни ҳал қиладиган инвестиция лойиҳаларининг ҳудудий интеграциясига кўмаклашадиган инвестицион дастурлар талаб қилинади.

Инвестиция сиёсати мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, унинг ҳудудлараро ва жаҳон хўжалигига қўшилиши, ташқи алоқалар самарадорлигини оширишга, экспорт мақсадидаги ва импорт ўрнини босадиган юқори технологиялар ҳамда ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватловчи миллий иқтисодиётни ҳимоя қилишга, интеграция алоқаларини тиклашга қаратилганлиги билан уйғунлашади. Демак инвестиция сиёсати аввало республиканинг барча ҳудудлари билан ўзаро фойдали интеграция алоқаларини яратишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ҳудудлараро ва дастур ва лойиҳаларни шакллантиришга, чет давлатлари билан самарали ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Тадқиқотлар давомида мамлакатда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда инвестиция жараёни тўғрисидаги мавжуд ҳолатга, ахборотларга таяниб, республика ҳудудларининг чет эл инвестициялари ва кредитлари ёрдамида ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг баъзи йўналишлари тадқиқ этилади. Шу мақсадда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз.

### **1.3. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг хорижий тажрибанинг қўлланиши**

Халқаро тажрибада ҳар бир давлатнинг ўзига хос инвестиция сиёсатини олиб боришда халқаро тажрибаларга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг мазкур мамлакат учун мос бўлган жиҳатлари тадқиқ этилади ва амалиётда синовдан ўтказилади. Шу ўринда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига биноан кейинги йиллардаги давлат дастурида ҳам таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд. АҚШ доллари миқдорига 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутган тармоқ дастурлари амалга оширилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини янада кўтариш, саноатнинг техник таркибини замонавийлаштириш муаммолари ҳам давлат сиёсатининг бошқа омиллари қаторида инвестицион сиёсат орқали амалга оширилади. Айниқса, етакчи тармоқларда хорижий инвестицияларни жалб этмай, чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Халқаро молиявий институтларнинг амалий алоқаларига қисқача



тўхталадиган бўлсак, улардан Халқаро Валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил сентябр ойдан бошлаб Жаҳон банкининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро Валюта фонди, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликда Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги тўғрисида»ги қонуни кучга кирди. Ҳозир Тошкентда Жаҳон банкнинг ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Жаҳон банки мамлакатимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ижобий ўзгаришларга эришиш учун ўз лойиҳаларини ҳукумат билан ҳамкорликда амалга оширмоқда (1.3-жадвал).

### 1.3-жадвал

#### Халқаро капитал ҳаракатини рағбатлантириш мақсадидаги халқаро ва ҳудудий молиявий ташкилотлар<sup>27</sup>

№	Халқаро, ҳудудий молиявий ташкилотлар	Ҳамкорликни ривожлантириш ғояси
1.	<b>Халқаро Валюта фонди (ХВФ)</b> , (инг. International Monetary Fund, IMF) – АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган.	1945 йил 27 декабрда ташкил топган. Ҳозирги кунда ХВФ 186 давлатни бирлаштириб, унинг тузилмасида 133 мамлакатдан 2500 мутахассис ишлайди.
2.	<b>Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)</b> , (инг. International Bank for Reconstruction and Development) - штаб-квартираси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган.	ХТТБ – 1944 йилда Бреттон-Вудсдаги (АҚШнинг Нью-Хемпшир штатидаги шаҳарча) Халқаро валюта-молиявий конференцияда ХВФ билан бир вақтда тузилган давлатлараро инвестиция институти. Қарзлар асосан 15-20 йил муддатга, асосий қарз суммаси бўйича тўловларни 3-5 йилга узайтириш тартибида берилади.
3.	<b>Халқаро ривожланиш ассоциацияси - ХРА</b> Жаҳон банки гуруҳига кирган халқаро ташкилот бўлиб, у 1960 йилда ташкил этилган.	ХРА келишувлар моддасининг 1-моддасига мувофиқ, унинг мақсади иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, самарадорликни ошириш ва шунинг асосида, суст ривожланган аъзо мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, шунингдек,

<sup>27</sup> <http://www.mfimo.ru>, <http://www.ifc.org/>, <http://www.ebrd.com/ru/html> сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

		анаънавий кредитларга нисбатан оғир бўлмаган қулай шартларда молиявий кўмак бериш ҳисобланади.
4.	<b>Халқаро молия корпорацияси (ХМК)</b> (инг. International Finance Corporation, IFC) – Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро ташкилот бўлиб, 1956 йилда тузилган. Ташкилотнинг штаб-квартираси Вашингтонда (АҚШ) жойлашган.	Ривожланаётган мамлакатларга хусусий инвестициялар оқими барқарорлигини таъминлаш мақсадида тузилган. Кредитлаш ҳажмида юқори улушни давлат бошқаруви эгаллаган бўлиб, транспорт, энергетика ва қазилма саноати, сув таъминоти, тармоқларига ҳам маблағ ажратилади.
5.	<b>Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (ИККА)</b> -(инг. Multilateral Investment Guarantee Agency) - Жаҳон банки гуруҳига кирувчи мустақил халқаро ташкилот бўлиб, 1988 йилда аъзо мамлакатларнинг бадаллари эвазига ташкил топган. Штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган.	Ривожланаётган мамлакатларга хорижий тўғри инвестицияларни йўналтиришга кўмаклашиш, шунингдек ахборот ва консултация хизматларини кўрсатади. ИККА сиёсий рисклардан суғурталашни ёки ривожланаётган мамлакатларга хорижий тўғри инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида кафолат беришни амалга оширади. Ҳозирги кунда ИККАга 175 мамлакат аъзо сифатида қабул қилинган.

Бу борада хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадга мувофиқ, Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, хориж капиталини, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш инвестициялашда энг самарали восита ҳисобланади. Айнан чет эл инвестициялари мамлакатда иқтисодий ва технологик жараёнини ҳаракатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий иқтисодиётга чет эл капиталини жалб этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш, бошқариш ҳамда рағбатлантириш масалаларини татбиқ этишда бу борада амалий тажрибага эга АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия каби давлатлар тажрибасини ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ. Ушбу мамлакатларда чет эл инвестициялари ҳажмининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган омилларга иқтисодиётда хусусий мулкнинг юқори мавқега эгаллиги ва такомиллашган рақобат муҳити мавжудлиги, мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий барқарорлик, кенг ҳамда тўловга қобилиятли тараққий этган истеъмол бозорининг, шунингдек, бой ва турли хил табиий ресурслар захиралари мавжудлигини киритиш мумкин.

Ривожланган чет давлатлар тажрибасини ўрганиш давомида

инвестицияларга бўлган талабнинг даражаси ва динамикаси бир қатор макроиктисодий кўрсаткичлар билан аниқланиб, улардан энг муҳимлари мақсадли инвестициялар манбаларидан бири ҳисобланган соф фойда ва амортизация ажратмаларининг мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулотдаги улуши, амортизация ажратиладиган активлар ёки акционерлик капиталига тўғри келувчи ҳисобланган фойда даражаси меъёрлари ва шу кабилардан иборат эканлиги маълум бўлди. Ривожланган Ғарб давлатларидан Буюк Британия тажрибаси бир қатор мақбул йўналишларни ўз ичига олади, жумладан<sup>28</sup>:

«махсус чора-тадбирлар тизими» ишлаб чиқилиб, мазкур тизим иқтисодий носоғлом ҳудудларда ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш мақсадида, жумладан инвестицияларни давлат томонидан кафолатлаш, ички қарзларни қоплаш, иш билан таъминлаганлик учун мукофотлар, солиқ ва божхона режимларига оид имтиёзлар ва шу кабилар қўлланишини назарда тутди;

инвестицион лойиҳаларни давлат кафолати остида жалб қилиш ва уларни саноатнинг базавий тармоқларига йўналтириш (қазиб олувчи, қайта ишловчи ва ҳ.к.);

инвестицион лойиҳаларни давлат ссудалари ва қарзлари орқали имтиёзли равишда кредитлаш;

банк молия тизимининг инвестиция муҳитини шакллантиришдаги ҳиссасининг муҳим аҳамият касб этиши. Мазкур мамлакат тажрибасида банк молия тизимининг самарали инвестиция муҳитини ривожлантиришдаги ҳиссаси алоҳида ўрин тутди. Айнан инвесторларга юксак савиядаги банк молия хизматлари кўрсатилиши инвестиция муҳитининг самарали шаклланишига таъсир кўрсатган.

Хитой ва Ҳиндистон давлатларининг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тажрибаси ҳам улар ўзига хос

---

<sup>28</sup> Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Ташкент: "Iqtisod-moliya". 2005. с. 95-96

йўлни танлаганлигини кўрсатади. Жумладан, Хитой ва Ҳиндистон сўнги йилларда юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришмоқдалар. Натижада ушбу давлатлар иқтисодий жиҳатдан барқарорлашиб, улардаги мавжуд инвестиция муҳити тобора такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Хитойда<sup>29</sup> сўнги 10 йилда иқтисодиётнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 8% ни, Ҳиндистонда эса 5-6% ни ташкил этади. Бу давлатлар иқтисодиётига йўналтирилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 2 бараварга ошиб борган.

Уларнинг иқтисодий тараққий этишига асосий таъсир кўрсатган омиллардан бири – инвестицион фаолликни рағбатлантиришга қаратилган ўзига хос инвестиция сиёсати юритилиши билан боғлиқ. Хитой тажрибаси амалиётида чет эл инвесторлари томонидан тўғридан-тўғри киритилаётган инвестицияларга ва маҳаллий инвесторларга нисбатан қўлланилаётган преференция ва имтиёزلардан бир хилда фойдаланиш имкониятлари яратилганлиги ижтимоий-иқтисодий инфраструктура объектлари ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Одатда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида ривожланиш ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Жумладан, Хитойда биринчи концессия битими 1984 йилда тузилган бўлиб, унга кўра хусусий инвестор, яъни «Хоупвел Холдинг» (Гонконг) консорциуми томонидан Шеньжен шаҳрида электростанция қурилган. Айни вақтда Хитой томонидан турли инфратузилма объектларини замонавийлаштириш ва ривожлантиришга ички ва ташқи хусусий инвестицияларни жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Буларни амалга ошириш учун Хитойда хусусий инвесторларга турли имтиёзлар берилишини кўзда тутган концессияларни таъминлашга оид тегишли ҳуқуқий база яратилган.

Мазкур мамлакат тажрибасида амалга оширилаётган, яъни чет эл инвесторлари томонидан киритилаётган тўғридан-тўғри инвестицияларга

---

<sup>29</sup> Бельчук А. Вновь об оценке реформ в Китае. Ж. Мировая экономика и международные отношения, 2005, №4)

маҳаллий инвесторларга яратилган преференция ва имтиёзлар тизимидан бир хил фойдаланиш имкониятини яратиш чора-тадбирлари тизимини республикамиз шароитида такомиллаштириш мақбул инвестиция муҳитининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ташқи савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги товар айланмаси барқарор ўсиш ва товар номенклатурасининг кенгайиши билан тавсифланади. 2016 йил охирига келиб ушбу кўрсаткич 4,7 миллиард доллардан ошиб кетган ва 2017 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича 1,2 миллиард долларга етган. Бугунги кунда Ўзбекистонда<sup>30</sup> Хитой сармояси иштирокида 704 та корхона, улардан 88 таси 100 фоиз хорижий капитали иштироки билан фаолият юритмоқда. 2020 йилда Хитой мамлакатининг Ўзбекистон савдо айланмасидаги улуши 16,8 фоизга етган (1,36 млрд доллар, ундан экспорт ҳажми 400,8 млн доллар, импорт ҳажми 963,5 млн доллар)<sup>31</sup>.

Инвестиция самарадорлигини оширишга доир халқаро тажрибани ўрганиш, ҳар бир мамлакатда мазкур муаммога ёндашишнинг ўзи танлаган усул ва воситалардан фойдаланганлигини кўрсатади. Замонавий назария ва амалиётда мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича бирор-бир устун модель мавжуд эмаслиги, муайян мамлакатнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича тайёр андозалар йўқлигини таъкидлаш жоиз. Шундай бўлса ҳам, ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган айрим усул ва воситалардан бизнинг шароитимизда ҳам фойдаланиш мумкин.

Малайзия юқори инвестиция самарадорлигига эришган давлатлар қаторига кириб, мамлакатда асосий эътибор инвесторлар учун пул-кредит муносабатлари тизимида яратилган қулай имтиёзларга қаратилган<sup>32</sup>. Бу борада «Малайзия - иккинчи уйимиз» махсус дастурига мувофиқ, унда белгиланган бир қанча енгилликлар қаторида мамлакатда 66 минг АҚШ

---

<sup>30</sup>Library.ziyonet.uz/ru/book/download/39584 маълумотлари

<sup>31</sup> Ўзбекистон ташқи савдоси деярли 1 млрд долларга қискарди. 22 апрель 2020. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/04/22/export-import/>

<sup>32</sup>Оленицкая Л. Конкурентоспособные стратегии экономического развития НИС Азии и возможности их адаптации к условиям Узбекистана. – Автореферат дис. к.э.н. – Т., 2006.

долларидан кам бўлмаган қийматда кўчмас мулк (ер бундан мустасно) харид қилиш учун хорижий фуқароларга узоқ муддатли кредитлар олишдаги чекловлар бекор қилинган. Мазкур чора-тадбирлар кўчмас мулк бозорига жалб этилаётган инвестиция турлари ва кўламига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда Малайзиядаги кўчмас мулкнинг асосий харидорлари Сингапур ва Австралия фуқаролари ҳисобланади.

Жаҳон банки томонидан тайёрланган ва 1969 йилда Вашингтонда қабул қилинган “Давлатлар ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги конвенция инвестиция низолари орқали ҳал этилади. Ривожланган мамлакатларнинг инвестиция таваккалчилигини пасайтириш тажрибаси кўрсатишича, инвестицион ҳамкорлик доирасидаги иқтисодий муносабатлар давлатлар томонидан икки томонлама ва минтақавий келишувлар асосида мустаҳкамланади. Хорижий инвестицияларни ҳимоя қилишда кўпроқ икки томонлама инвестиция келишувлари (bilateral investment treaties ёки BITs) амалий аҳамиятга эга. Биринчи BITs 1950-йилларда қабул қилинган бўлиб, умуман олганда, унинг моҳияти ҳозирги кунда деярли ўзгармаган. Улар икки томонлама инвестицион ҳамкорлик меъёрлари, андозалари ва асосий тамойилларини белгилайди ва инвестиция киритишнинг барқарор режими мавжудлигидан дарак беради.

Инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги икки томонлама инвестиция келишувларини тузиш қулай инвестиция иқлими яратиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиб, хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси жиддий камчиликларга эга бўлган вазиятда, бевосита хорижий инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишнинг истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар миллий иқтисодиётлари, хусусан, қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши, ҳамда иқтисодий жараёнларнинг барча иштирокчилари фаолиятида инновацион-инвестицион фаолиятнинг жадаллашуви замонавий ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган

давлатларда (АҚШ, Япония, Швейцария ва Швеция) ЯИМ таркибида илм-фан билан боғлиқ ва инновацион фаолиятни инвестициялашга сарфланаётган маблағ<sup>33</sup> ЯИМга нисбатан 3,0 % ни<sup>34</sup> ташкил этиб, ушбу маблағнинг 2/3 қисми тадбиркорлик соҳаси ҳиссасига тўғри келади ва яратилаётган инновациялар ва илмий ишланмаларнинг 70 % дан ортиғи иқтисодиётнинг нодавлат соҳасида юзага келмоқда. Шунингдек, жаҳонда қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш, аграр соҳа тараққиётининг интенсив омиллари самарадорлигини ошириш, ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларини яратишга сарфланаётган инвестициялар ҳажми жами инвестицияларнинг 8-9 % ини ташкил этмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда инновацион фаолиятни давлат молиялаштириш тизимида тўғридан-тўғри усуллар билан бирга инновацион фаолиятни самарали билвосита қўллаб-қувватлаш усуллари (солиқ имтиёзлари, имтиёзли давлат кредити, амортизацион рўйхатдан чиқариш) ҳам биргаликда, қўшиб олиб борилади ва бу инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг кучли рағбатлантирувчи воситалари ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бундай тури Франция, Австрия, Швеция ва шу каби давлатларда фаол қўлланади.

Бугунги кунда жаҳонда учта асосий венчурли капитал бозорини ажратиб кўрсатиш мумкин – АҚШ ва Канада, Жанубий-шарқий Осиё, Европа. Венчурли бизнес акционерлик капиталига тўғридан-тўғри инвестициялар тармоғининг бир сегменти ҳисобланиб, аммо унинг аҳамиятини баҳолаш бирмунча қийинчилик туғдиради, чунки рискли капитал кичик инновацион корхоналар мавжуд бўлишининг дастлабки босқичларида ғоядан то маҳсулотнинг бозорга чиқиши ва мустақкам ўрин эгаллашигача бўлган даврда молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги асосий манбаи бўлиб келади.

Венчурли фондлар инвестициялашни амалга ошириш босқичига боғлиқ

---

<sup>33</sup> <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

<sup>34</sup> <http://stats.oecd.org/>

равишда ихтисослашган бўладилар. Жумладан, АҚШда дастлабки босқич фондлари фаолият юритиб, улар компьютер технологиялари жадал тараққий этган даврда тадбиркорликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланган ва ушбу йўналишнинг муваффақиятли ривожланиши учун кучли туртки берди.

Ҳозирги вақтда ҳам АҚШда компьютер технологиялари тармоғи венчурли инвестициялар учун нисбатан юқори қизиқиш пайдо қиладиган тармоқ сифатида етакчи ўринларни эгаллаб келади. Ушбу тармоқ доирасида инвесторлар ва венчурли сармоядорларнинг энг юқори қизиқишига молик йўналиш – интернет-технологиялар, хусусан, электрон бизнесга ихтисослашган компаниялар ҳисобланади. Жозибадор йўналишлар рўйхатида кейинги ўринларни коммуникация технологиялари, биотехнологиялар, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, истеъмол товарлари ва хизматлар эгаллайди. Ғарбий Европа давлатларида эса венчурли инвестициялар тармоқлар ўртасида нисбатан тенг тақсимланишга эга ҳисобланади ва ривожланиш дастурларини молиялаштириш жараёни компанияларнинг кенг тармоғини қамраб олади. У фақат юқори технологияларни жорий этган фирмалар билан чегараланиб қолмайди.

Венчурли инвестициялар учун капитал корпоратив ва индивидуал инвесторлар – «бизнес-ангеллар» томонидан тақдим этилади. Корпоратив секторнинг асосий қисмини мустақил венчурлик фондлари (компаниялар, фирмалар) ташкил қилиб, улар кўпинча ўзида ҳамкорликни, шерикчиликни ифодалайди. Ҳамкорлик капиталининг асосий қисми АҚШнинг давлат ва хусусий пенсия фондлари маблағлари ҳисобига шаклланади. Бундан ташқари бу жараёнда тижорат ва инвестицион банклар, суғурта компаниялари, давлат ва хайрия фондлари, корпорациялар, жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этадилар. Индивидуал венчур капитали бозорининг кичик инновацион бизнесни ривожлантириш ва умуман иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ролини қуйидагилар орқали ифодалаш мумкин:



индивидуал венчур капитали кичик корхоналар ривожининг дастлабки босқичларида институционал венчур фондларига нисбатан муайян ҳажмда кўпроқ молиялаштиради;

муайян даражада инвестицион буютшп шқлойхаларни баҳолаш тажрибасига эга бўлган «бизнес-ангеллар» инвестицияларни киритиш ёки рад жавоби бериш бўйича қарорни институционал венчур фондларига нисбатан қисқа муддатларда қабул қиладилар ва бу бутун бир кичик инновацион бизнесни молиялаштириш жараёнини янада ҳаракатчан қилади;

ушбу молиялаштириш шакли нисбатан мослашувчан ҳисобланади ва бир вақтнинг ўзида акционерлик капитали, кредит ресурслари ёки ҳар иккаласининг муайян таркибий аралашмасига эга бўлган инвестицияларни намоён этиши мумкин;

«бизнес-ангеллар» институционал сектордаги венчурли сармоядорларга нисбатан молиялаштирилган фирмаларда кўпроқ даражада «hands-on management»<sup>35</sup> «тизимини амалга оширадилар, бунда улар бошқарув, маркетинг стратегияси, алоқаларни ўрнатиш, бизнес режалаштириш ва шу кабиларни ривожлантириш бўйича комплекс қўллаб-қувватлашни амалга оширадилар. Бу кейинчалик ушбу фирмаларга бошқа манбалар, аввало бошқа венчур фондларидан молиявий маблағлар жалб қилишни осонлаштиради;

Кўпчилик ҳолларда «бизнес-ангеллар» ўз географик ҳудудлари доирасида инвестициялашни амалга оширади ва буни инвестицияларни киритган корхона фаолиятида кундалик иштирок этишнинг зарурлигини ҳисобга олиб изоҳлаш мумкин. Бу эса ҳудудларда молиявий маблағларнинг нисбатан тенг тақсимланишига, уларнинг кичик бизнесни ривожлантириш учун сарфланишига ва пировард натижада ҳудудий ривожланишнинг янада жадалроқ амалга ошишига имкон беради.

---

<sup>35</sup>Hands-on management style – фаол (амалий) бошқарув тизими, усули (бошқарув услуги ва механизмларида тизимли ёндашувга эгалиги, аниқ режалар ишлаб чиқиш, назорат қилиш тизими ва шу кабилар билан характерланади). [http://economy\\_en\\_ru.academic.ru/29533/hands-on\\_management\\_style](http://economy_en_ru.academic.ru/29533/hands-on_management_style)

## БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотнинг биринчи боби бўйича назарий ёндашувлар амалга оширилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қисқа муддатда мамлакатимизда иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш тамойиллари ишлаб чиқилди. Мазкур тамойиллар асосида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши таъминланди, ташқи иқтисодий фаолият бўйича аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш асосида бу фаолиятларни тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди.

2. Ўзбекистоннинг давлат инвестиция сиёсати узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган бўлиб, инвесторларнинг самарали ишлаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Мамлакатимиз бугунги кунда инвестицияларнинг кириб келишига тайёр деб ҳисобланади. Бу ерда олиб борилаётган маҳаллий сиёсат, тинчлик сақланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ижобий ҳолат – буларнинг бари хорижий инвестицияларни фаол жалб этишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

3. Инвестициялар ҳудудларнинг доимий ривожланишини таъминлайди, ҳамда қуйидаги вазифалар ҳал этилишида ёрдам беради: молиявий ресурсларни жамлаш ҳисобига шахсий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги корхоналарни сотиб олиш, бизнеснинг янги йўналишларини эгаллаш. Ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар хоҳ макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар) даражада бўлсин, улар иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

4. Ҳудудий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда инвестицияларни жалб қилишнинг асосий воситалари қуйидагилар: инвестицион ҳамкорлик муносабатларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш, мақсадга йўналтирилгани

лойиҳалар тақдимотини амалга ошириш ва уларни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар ва битимларни тузиш ва уларнинг мониторингини юритиш, маҳаллий, хорижий инвесторларга ва мақсадли лойиҳаларга махсус имтиёзлар, преференциялар бериш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Худудлар миқёсида инвестицияларнинг киритилиши кўриб чиқиладиган бўлса, уларда давлат томонидан киритилаётган инвестициялар улуши, умумий киритилаётган инвестициялар улушидан юқорилигича қолаётганини кўрсатмоқда. Инвестиция имкониятларини баҳолашда худудларнинг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш муҳим восита ҳисобланади. Иқтисодий салоҳиятни мувозанатга келтириш худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Худудий инвестиция ислоҳотлари иқтисодий, ижтимоий-ташқилий ва технологик ривожланиш даражаларини, иқтисодий-молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, худудий ишчи кучидан оқилона фойдаланиш каби имкониятларни яратади.

## **2-БОБ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА АСОСИЙ КАПИТАЛГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

### **2.1. Инвестиция сиёсатининг барқарорлигини таъминлашда институционал асосларнинг ҳолати**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш фаол инвестиция сиёсати орқали амалга оширилади. Инвестиция сиёсати – давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида белгиланган стратегик мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Шу нуқтаи-назардан қараганда инвестиция ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида иқтисодий фаолият субъектлари учун қулай хўжалик юритиш шароитларини яратиш орқали мамлакатда инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуини ифода этади. Унинг асосий мақсади миллий иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш ва жамият ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишдан иборат.

Инвестиция фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига сармоя киритишига асосланади. Бу сармоя қўшимча қиймат ва иқтисодий ўсишни ҳосил қилади. Шу жиҳатдан, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш орқали инвестиция фаолиятини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти «Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамокдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда»<sup>36</sup> деб таъкидлаши, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza/uz/politics>.

ўрнига эга бўлиши ва унинг янада юксалиб боришининг осон бўлмаслигини англашиб, бунга албатта, вақт, аниқ мақсадли ўрта ва узоқ муддатли ислохотлар ҳамда инвестициялар талаб этилиб, ҳамда ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Инвестиция сиёсатининг барқарорлигини таъминлашда институционал ўзгаришларнинг йўналишлари ва ушбу ўзгаришлар асосида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда қўлга киритилган натижалар асосида белгиланади. Институционал ўзгаришларни моҳиятига қараб амалдаги бозор ва давлат тузилмаларини ўзгартириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари субъекти орасидаги шартнома асосида янги замонавий тузилмаларни ташкил этиш бўйича гуруҳлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, сиёсатнинг институционал воситалари, одатда, инвесторларнинг ҳар икки томонни (инвестор ва корхона) ўзаро ва давлат дастурлари ўртасида инвестиция қарорларини мувофиқлаштириш механизмларини яратишдан иборат бўлиб, ушбу механизмларнинг аниқ шакллари кўлами жуда кенг экспорт соҳаларида давлат томонидан ташкил қилинаётган кўшма корхоналардан то сиёсий ва норасмий алоқаларгача ўзида намоён этиши кўзда тутилади.

Албатта, бу борада инвестицион жозибадорликни ошириш ва хўжалик юритувчи субъектларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида инвестицион фаолиятнинг қонуний базасини шакллантириш борасида бир неча йиллардан бери тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги»ги ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»<sup>37</sup> ги Қонунлари қабул қилинган бўлиб, бу меъёрий ҳужжатлар инвестицион фаолиятни мувофиқлаштирувчи қонуний-меъёрий базани

---

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (2014 й.13 ноябрь); Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 й. 609-1-сон Қонуни.; Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги 30.04.98 й. 611-1-сон Қонуни.

яратишга асос бўлди. Буларда асосан инвестицияларни амалга оширишнинг турли шакллари, молиявий ресурслари ҳамда фаолият объектлари ва субъектлари бўйича умумий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, уларни давлат томонидан тартибга солиш, назорат қилиш, берилган кафолатлар ва ҳимоя қилиш масалалари мустаҳкамланган.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялаш ва хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, инновацион ислоҳотлар шароитида инвестиция сармояси оқимини давлатлараро ҳамда халқаро келишувлар кўринишидаги давлат кафолатлари билан таъминлаш имконини беради ва бунда инвесторлар учун эса иқтисодий ислоҳотлар боришининг кафолатлари ҳам муҳим ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тадрижийлик ва барқарорлик хусусиятларига эга бўлди. Мамлакатимизда инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асоси бўлиб кўйидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади (2.1-расм).



**2.1-расм. Инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини таъминловчи меъёрий ҳужжатлар тўплами**<sup>38</sup>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида» 29.08.1996 й. 263-1-сон Қонуни; 46

Бундай натижа, аввало, Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар тўғрисидаги қонунчилигида халқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий қоидаларини, хусусан, хорижий инвестор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги, инвесторлар учун маълум преференцияларни бериш тўғрисидаги асосий қоидаларни ва бошқаларни ўз ичига олганлиги билан характерланади.

Таъкидлаш жоизки, инвестиция сиёсатининг барқарорлиги механизмига қуйидагилар киради: давлатнинг инвестициявий жараёни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими; инвестициявий жараёни тартибга солишнинг бозор механизми; самарали инвестициялашни амалга ошириш имкониятини белгиловчи аниқ усул ва услубиётлар тизими. Давлатнинг инвестициявий сиёсатини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг иқтисодий ривожланиш суръатларини таъминлаши билан тавсифланади.

Бундан ташқари сўнгги йилларда инвестициялар бўйича 40 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилиниб, инвестицияларни жалб қилиш, улардан самарали фойдаланишни бошқариш фаолияти бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилган бўлиб, улар ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларини белгилашга хизмат қилмоқда. Аммо инвесторларнинг самарали фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий-меъёрий асосларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришларга мос равишда мунтазам такомиллаштириб бориш ва уларни амалиётга жорий қилиш механизмларини

---

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 й. 609-1-сон Қонуни.; Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 30.04.98 й. 611-1-сон Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (2014 й.13 ноябрь); Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.04.2005 й. ПФ-3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони; Ўзб. Рес.В.М.сининг 01.05.2006 й. 74-сон «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёزلарнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори.; Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсул иқтисодий зоналар тўғрисида» 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604 сон Қонуни; Ўз.Р. В.М.сининг «Хусусийлаштирилаётган корхоналарни ёки акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотиш тартиби» 18.11.1998 йилдаги Қарорининг иловаси.; Ўз.Р.В.М.26.03.2002 й. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги. Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ -4947-сон Фармонларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқиш талаб этилади.

Республикамызда давлат инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини тўла кафолатлаш мажбуриятини олган бўлиб, инвестиция фаолияти субъектларининг қонунчиликдан четга чиқмаган ҳолдаги фаолиятларига давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний аралаштиришларига йўл қўйилмайди.

Маълумки, республикамызда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат инвестиция дастурлари ҳар бир вилоятнинг ўзига хос иқтисодий, табиий, ижтимоий, демографик шарт-шароитлари, меҳнат муносабатлари ва сиёсий барқарорлигини инобатга олган ҳолда инвестицияларни жалб қилишга, вилоятлар ҳудудларига жойлаштириш ва йўналтириш масалаларини самарали ҳал этишга қаратилмоқда. Шу ўринда инвестицион фаолликка устувор эътибор қаратиш республикада мақбул инвестиция муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг натижасида мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларида инвестиция сиёсатининг барқарорлигини таъминловчи институционал асослар шакллантиришга эришилмоқда. Ҳудудларда инвестицияларни самарали жойлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш иқтисодиётни тизимли қайта қуриш ва модернизациялашга, ички ва ташқи инвестицияларни ҳудудлар ўртасида рационал тақсимлашга ҳамда жойлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш фақат инвестициялар ҳажмигагина эмас, балки уларнинг молиялаштириш манбаларига ҳам боғлиқ (2.1-жадвал)

## 2.1-жадвал

### Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўсиш суръати (фоиз ҳисобида)<sup>39</sup>

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2012-2020 йилларда ўзгариши (+) ва(-)
Жами инвестициялар	112,7	112,1	109,9	109,6	108,0	120,4	130,9	195,9	202,0	+ 89,3

<sup>39</sup>Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.



Давлат бюджети	95,3	118,1	92,9	110,1	105,7	130,6	87,5	142,8	66,4	-28,8
Корхоналар маблағи	104,7	118,8	107,6	102,7	101,6	116,7	133,6	96,1	111,2	+ 6,5
Аҳоли маблағлари	127,7	115,6	110,8	111,8	119,8	89,6	104,4	99,3	99,0	-28,7
Банк кредитлари	106,5	104,0	119,5	115,6	100,8	137,9	176,9	106,7	94,4	-12,1
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	105,8	105,6	113,0	107,9	114,5	134,9	132,9	142,5	72,0	-33,8
Тикланиш ва тараққиёт фонди	165,0	62,6	120,8	151,9	113,6	203,2	131,9	73,1	24,3	-140,7
Болалар спортини ривожлантириш фонди	x	x	x	97,8	102,3	42,4	103,0	x	x	-
Бюджетдан ташқари фондлар	157,3	142,6	99,0	x	x	x	x	x	x	-
Давлат мақсадли фондлари	x	x	x	107,8	87,7	84,6	128,8	x	x	-

Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштиришда иштирок этган манбалар таркибига эътибор қаратилса, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларининг ривожланиши ҳамда уларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш инвестицияларни жалб этиш манбаларига ва ҳолатига қанчалик боғланганлигини кўриш мумкин. 2019 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган инвестицияларнинг 1,5 баробар зиёд ҳажмда ўзлаштирилиши мўлжалланаётганлиги инobatга олинса, бу аввало, очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитлар яратилганлигига боғлиқ.


«Иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шarti бўлган фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилади<sup>40</sup>. 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади».

Мамлакаатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида инвестициялаш манбалари орасида энг самарали манбалар тўғридан-тўғри

<sup>40</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” //http:Lex.uz.

хорижий инвестициялардир. Улар бевосита хорижнинг молиявий, иқтисодий, моддий ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини олиб киради. Натижада давлат иқтисодиётининг ривожланиши ва жаҳон иқтисодий тизимига жадал қўшилишни таъминланади. Иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар халқаро иқтисодий алоқаларнинг глобаллашувида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ҳамда ташқи қарзларнинг пайдо бўлиши ва ошишига олиб келмайди.

Хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётга кириб келишини рағбатлантирилган ҳолда амалга оширишни талаб қилади. Хорижий инвестициялар, одатда, валюта, миллийлаштириш, реквизиция, хавф-хатар каби қўшимча қалтисликларга учраш эҳтимоли юқорилиги билан ички инвестициялардан фарқ қилади (2.2-расм).



**2.2-расм. Жалб қилинадиган инвестицияларда танлаш имкониятига таъсир кўрсатувчи белгилар<sup>41</sup>**

2.2-расмдан кўриниб турибдики, инвестиция сармояси даромаднинг ўртача меъёридан сезиларли даражада юқори бўлган инвестиция лойиҳаларига йўналтирилади. Инвестиция даромадининг кутилаётган даражаси ўрта даромадли инвестициялар эса ўртача меъёрли инвестиция

41

лойиҳаларига йўналтирилади. Кейинги гуруҳ кам даромадли инвестициялар бўлиб, бу ўртача меъеридан сезиларли даражада кам самара беради. Агар танлаш имконияти даромадсиз инвестицияларга тенг бўлса, бу инвестор даромад олишни учун эмас, балки ижтимоий, экологик ва иқтисодидан ташқари натижаларни кўзда тутишини билдиради. Хавфсиз, паст хавфли, ўртача ва хавфлилик даражаси юқори инвестиция муҳити инвестор танлаши лозим бўлган энг асосий жараён ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳукуратимиз томонидан нафақат Республика йирик шаҳарларини, балки унинг чекка ҳудудларини ҳам иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода инвестицияларни жалб этиш ҳисобидан Республика ҳар бир вилоятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб берилган:

инновацион типдаги иқтисодидни шакллантириш ҳисобига вилоят, шаҳар ва туманлардаги иқтисодий тенгсизликни пасайтириш;

ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш;

тармоқлар ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига маҳаллийлаштириш дастурининг ижросини таъминлаш.

Бу борада иқтисодидни модернизациялаш шароитида инвестициялардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва тенденцияларини ўрганиш учун инвестиция сиёсатининг барқарорлигини таъминлашда институционал асосларнинг ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда таъкидлаш керакки, инвестицияларни фаол жалб қилишда ҳар бир ҳудуднинг ўз нисбий устунликлари, фойдаланилмаётган имкониятлари, ўсиш захиралари ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини

ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва маҳсулотлар, хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Белгиланган ислоҳотларни амалга ошириш даврида инвестицияларни жалб этиш иқтисодий янада ривожлантириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдан иборат бўлиб, инфратузилмани такомиллаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва фаровонлик даражасини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлашича<sup>42</sup>: «Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда». Ушбу лойиҳалар ичида энг асосийси сифатида транспорт-логистика тизимини ривожлантиришга қаратилганлиги, мамлакат иқтисодийётига киритилган инвестициялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бу борада А.Л.Носов «...Логистика инфратузилмасини инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётни таъминлаш учун ишлаб чиқилган моддий ва техник тизим, уни ривожлантириш эса ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги учун асосий шартлардан ҳисобланади»<sup>43</sup> деб таъкидлаши, айниқса ҳудудлараро транспорт-логистика тизимини ташкил этишни таомиллаштиришда хизматлар кўрсатишнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, мазкур соҳада инновацион

---

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.2018.Lex.uz.

<sup>43</sup> Носов.А.Л. Региональная логистика. – М.: Альфа-Пресс, 2007 г. -85 С.

муҳитни яратиш орқали миллий операторларнинг ахборот технологиялари ва воситалари билан таъминоти ҳамда бошқарувда улардан кенг фойдаланишни таъминлашни ўзида мужассам этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш ҳудудларда транспорт тизими ривожланишини таъминловчи инвестициявий сиёсатни белгилаш ва амалий тавсиялар чиқариш имконини беради. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, 2012-2020 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами 2020 йилда 2012 йилга нисбатан + 89,3 трлн.сўм ёки барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, таҳлил даврида 1,9 марта ўсган. Корхоналар маблағлари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзгариши 2020 йилда 2012 йилга нисбатан + 6,5 кўрсаткичга эга, бу эса мазкур фаолият турининг иқтисодий ва ташкилий қўллаб-қувватланишига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

## **2.2. Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг самарадорлигини баҳолаш**

Давлат инвестиция сиёсатидан ташқари ҳудудий, тармоқ ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция сиёсати фарқланади<sup>44</sup>. Улар ўзаро ва доимо алоқадорликда бўлиб, инвестиция жараёнларига қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга йўналтирилади. Ҳудудларнинг ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантириш зарур бўлиб, бу охир-оқибат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувига асос бўлади. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишини таъминлашнинг муҳим омилларидан

---

<sup>44</sup> Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций.-М.: Финансы и статистика. 2001.-С.-48-50.

бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»<sup>45</sup> ги Қонуни ҳудудлардаги ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитларни ифодалаб, инвестиция фаолияти, инвестиция соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»<sup>46</sup> ги Қонун ҳудудларда хорижий инвесторларнинг фаолияти, ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини кафолатлайди. Бундан ташқари, 2018 йилнинг 1 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ПФ-5495-сонли Фармони<sup>47</sup> ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур Фармонда «Мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар» белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида инвестиция фаолиятининг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ва ҳукумат томонидан республикада барқарор иқтисодий ўсишнинг зарур шарти сифатида, албатта, инвестиция сиёсати амалга оширилмоқда. Бундан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида ҳудудий иқтисодий бирлик сифатида ҳудудлар салоҳияти тобора ортиб бормоқда (2.2-жадвал).

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (2014 й.13 ноябрь).

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 30.04.98 й. 611-1-сон Қонуни.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5495-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.02.08.2018 й. 06/18/5495/1611-сон

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички (худудий) маҳсулот ҳажми<sup>48</sup>

(млрд. сўм)

Вилоятлар	2005	2010	2015	2020	2020 йилнинг 2005 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
Ўзбекистон Республикаси	15923,4	78936,6	221350,9	602551,4	586628,0
Қорақалпоғистон Республикаси	523,5	2181,7	6703,8	21949,3	21425,8
Андижон	1121,1	4497,3	13914,0	38531,0	37409,9
Бухоро	1014,8	4651,6	12 368,6	31525,1	30510,3
Жиззах	504,7	2215,3	6730,8	18148,1	17643,4
Қашқадарё	1326,4	6 944,1	17247,7	36010,6	34684,2
Навоий	1099,4	4325,6	10545,2	49742,2	48642,8
Наманган	715,5	3364,4	10826,9	27903,2	27187,7
Самарқанд	1156,9	6585,8	18513,7	43834,7	42677,8
Сурхондарё	724,4	3394,7	11114,4	24912,0	24187,6
Сирдарё	390,6	1688,1	5076,9	12869,4	12478,8
Тошкент	1820,5	7631,1	22089,0	64892,7	63072,2
Фарғона	1419,0	5417,5	16342,4	37612,1	36193,1
Хоразм	595,2	2888,6	8940,4	21615,4	21020,2
Тошкент шаҳри	1892,0	10412,0	29847,4	97545,2	95653,2

Жадвал маълумотларига кўра, 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми 15923,4 млрд. сўмни ташкил этиб, бу борада ўртачадан (1021,7 млрд. сўм) юқори кўрсаткичга эга бўлган Қашқадарё (1326,4 млрд. сўм), Тошкент (1820,5 млрд. сўм), Фарғона (1419,0 млрд. сўм) вилоятлари ва Тошкент шаҳрини (1892,0 млрд. сўм) келтириш мумкин. Аммо, ушбу ўртача кўрсаткичдан анча кичик даражага эга бўлган Жиззах (504,7 млрд. сўм), Сирдарё (390,6 млрд. сўм) ва Хоразм (595,2 млрд. сўм) вилоятларини кўрсатиш мумкин.

Берилган маълумотлар бўйича 2020 йилга эътибор қаратилса, 2005 йилга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми 586628,0 млрд. сўмга ошиб, 602551,4 млрд. сўмга етганлигини кўриш мумкин. Албатта, ушбу даврда ҳам Навоий (48642,8 млрд. сўм), Самарқанд (42677,8 млрд. сўм) ва Тошкент (63072,2 млрд. сўм) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (95653,2 млрд. сўм) ўртача қийматдан (37694,3 млрд. сўм)

юқори кўрсаткичга эга бўлган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси (21949,3 млрд. сўм), Жиззах (18148,1 млрд. сўм), Сирдарё (12869,4 млрд. сўм) ва Хоразм (21615,4 млрд. сўм) вилоятлари ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги натижалари ўртача қийматдан анча паст эканлиги кузатилди. Бундай салбий оқибатлар, асосан, ҳудудлардаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаслик ва ушбу вилоятларда асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг бошқа вилоятларга нисбатан пастлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон шароитида инвестиция сиёсатининг ҳудудий ўзгариши иқтисодийнинг инновацион ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ҳудудларнинг ички ва ташқи конъюнктура ўзгаришига тез мослашиб бориши билан белгиланади. Салоҳияти анча юқори бўлган ҳудудлар сезиларли иқтисодий самара олиши мумкин. Шунинг учун, ҳудудларнинг Инвестиция Дастурларининг бажарилиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратиш лозим (2.3-жадвал).

### 2.3-жадвал

#### Асосий капиталга инвестициялар<sup>49</sup> (млрд.сўм).


Вилоятлар	2005	2010	2015	2020	2020 йилнинг 2005 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>3165,2</b>	<b>12531,9</b>	<b>44810,4</b>	<b>202000,1</b>	<b>198834,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	149,3	652,4	6021,2	8167,4	8018,1
Андижон	130,4	445,2	1956,5	8755,1	8624,7
Бухоро	260,7	2443,4	4075,9	11248,7	10988,0
Жиззах	77,2	230,2	1304,9	12974,2	12897,0
Қашқадарё	456,5	2193,0	5894,7	19921,7	19465,2
Навоий	229,1	587,7	1809,1	16042,6	15813,5
Наманган	107,9	478,2	2227,5	11982,5	11874,6
Самарқанд	203,5	551,4	3237,2	13426,0	13222,5
Сурхондарё	170,8	511,8	1843,6	9923,0	9752,2
Сирдарё	54,5	207,3	1083,3	7174,5	7120,0
Тошкент	337,4	1247,3	4428,1	18994,4	18657,0
Фарғона	162,3	663,4	2542,3	11320,0	11157,7
Хоразм	63,3	219,3	1531,5	6663,2	6599,9
Тошкент шаҳри	741,8	2007,7	6854,6	44778,8	44037,0

Жадвал қийматларига эътибор қаратилса, 2005 йилда вилоятлар бўйича

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



асосий капиталга инвестициялар тақсимотидаги нотекисликни кўриш мумкин бўлиб, айнан юқорида келтирилган ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўртачадан паст бўлган Жиззах (77,2 млрд. сўм), Сирдарё (54,5 млрд. сўм) ва Хоразм (63,3 млрд. сўм) вилоятларига тўғри келган. 2020 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий капиталга инвестициялар ҳажми 2005 йилга нисбатан 198834,9 млрд. сўмга кўпайиб, 202000,1 млрд. сўмга етди. Бу, албатта, ижобий натижа ва уни дунёда юз берган пандемияга қарамай, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилган ислохотлар натижаси деб қараш мақсадга мувофиқ.



**2.3-расм. Мамлакатга инвестициялар жалб этиш самардорлигини баҳолашнинг тавсифланиши<sup>50</sup>**

Шунингдек, мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган хорижий инвесторларга уларнинг келиб чиқиш мамлақати, миллати ва диний эътиқоди бўйича дискриминациянинг йўқлиги, ўз маблағларидан эркин фойдалана олиш кафолатлари, инвесторлар фаолиятига тегишли ахборотдан эркин равишда фойдаланиш сингари бир қатор асосий кафолатларни ҳам таъминл натижаси бўлиб, давлат кафолатларининг умумий қабул қилинган халқаро андозаларига жавоб беришини кўрсатади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, мамлакатга инвестициялар жалб этишнинг самардорлигини баҳолашни

<sup>50</sup>Муаллиф томонидан маълумотлар асосида тузилган

умумий ҳолда тавсифладик.

Мазкур тавсифланиш иқтисодиётда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини бевосита таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди. Украиналик олим И.А.Бланкнинг фикрича<sup>51</sup>, инвестициявий жозибадорлик маълум бир инвестор нуктаи назаридан алоҳида йўналишлар ва объектларга инвестиция киритишнинг устунликлари ва камчиликларини умумлаштирувчи тавсифдир. Инвестиция жозибадорлигини баҳолаш: тармоқ ривожланишининг истиқболлилиқ даражаси, корхоналарнинг ўртача рентабеллиқ даражаси, инвестиция таваккалчиликларини баҳолашнинг уч асосий элементини ифодалайди.

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолашнинг асосий элементларига: иқтисодий ривожланиш, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, инвестицион фаолият юритиш хавфсизлиги ҳамда мамлакат демографик тавсифи киритилган. Республикамизга инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг самарадорлигини таҳлиллари натижаси шундан далолат берадики, инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлиги, корхоналарнинг инвестиция фаоллигига молиявий тузилмаларнинг билвосита таъсири нисбатан самарадор эмаслигини кўриш мумкин.

Мамлакатга инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда нафақат республика, балки унинг ҳудудлари инвестицион иқлимини ўрганиш, маблағ сарфлаётган инвесторларнинг эътиборини ҳудуд иқтисодиётининг ўта зарур ва устувор тармоқларига тўғри йўналтира олиш мақсадга мувофиқ. Бу борада мамлакатнинг ҳар бир алоҳида олинган ҳудудини ўзига хос мақбул инвестицион шароити, муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ислохотлар билан инвестицион жозибадорлик салоҳиятини, ҳудуднинг инвестиция имижини оширишга эришиш мумкин.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, мамлакат имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича

---

<sup>51</sup>И.А.Бланк Управление инвестициями предприятия. –К.: Ника-Центр, Эльга, 2003. -255 с.

масалаларни комплекс ҳал қилишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

мамлакатнинг стратегик тараққиётига таъсир кўрсатувчи ҳудудий ривожлантириш дастурларининг ўз вақтида бажарилиши устидан қатъий мониторинг олиб бориш;

мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш учун тўғридан-тўғри маҳаллий ва чет эл инвестицияларини самарали лойиҳаларга жалб қилиш;

тадбиркорлик муҳитига инновация технологияларини татбиқ этиш асосида ҳудудий корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш жараёнида ташқи ва ички имкониятлардан фойдаланиш.

Инвестициялаш учун асосий объект – мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ҳисобланиб, у танланган ҳудуднинг ишлаб чиқариш омили билан таъминланганлик даражаси, аҳолининг истеъмол талаби сингари кўрсаткичларнинг ривожланишига боғлиқ. Бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги, табиий ресурслар билан таъминланганлик, меҳнат ресурслари ва уларнинг рақобатбардошлиги, аҳолининг харид қобилияти, бюджети ва корхоналар молиявий таъминланганлик даражаси, мамлакатда истиқомат қилувчиларнинг хўжалик фаолиятидаги иқтисодий кўрсаткичлари, соҳа, тармоқларнинг инвестицион юридик шарт-шароитлари, ишлаб чиқаришнинг алоҳида омилларидан фойдаланиш тартиби ва бошқалар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакат инвестиция жараёнларини таҳлил қилишда бир қатор хусусиятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

чет эл инвестициялари ва кредитларни жалб қилиш ва ўзлаштириш жараёнида ҳудудлар бўйича тақсимланиши нотекислигига баҳо бериш;

банк сектори инвестиция жараёнидан бутунлай ташқарида бўлиб, ҳудудлардаги корхоналарнинг инвестиция фаоллигига таъсирини ўрганиш аниқ натижалар олиш ва қарорлар қабул қилинишига эришишни таъминлайди. Бу борада таъкидлаш лозимки, ҳудудлар миқёсида асосий капиталга киритилган инвестицияларда ҳудудлар улушининг ўзгариши ўзаро кескин фарқланади (2.4-жадвал).

**Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларда ҳудудлар улушининг ўзгариши<sup>52</sup>**

(жамига нисбатан % ҳисобида)

Ҳудудлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	6,0	8,23	11,12	14,22	7,47	3,68	5,6	4,4	4,3
Андижон	2,50	4,49	4,04	3,99	3,99	3,68	3,8	4,3	4
Бухоро	7,20	10,01	9,67	9,28	11,57	18,13	7,3	5,2	6,4
Жиззах	2,32	3,55	2,95	2,64	2,51	2,37	3,0	4,2	6,8
Қашқадарё	11,10	12,19	12,72	13,42	14,16	16,77	14,3	12,4	15,4
Навоий	4,35	5,65	4,69	4,04	5,72	4,59	9,4	9,4	13,1
Наманган	3,10	3,69	4,59	4,72	5,16	5,03	6,6	6,4	4,1
Самарқанд	4,58	6,67	6,38	6,85	6,67	5,45	5,4	5,2	4,6
Сурхондарё	3,55	4,35	3,80	3,92	4,03	4,86	5,7	6,4	7,1
Сирдарё	1,58	2,80	2,63	2,40	2,49	2,22	2,0	3,2	3,6
Тошкент	9,52	10,40	10,62	9,73	7,96	7,08	8,7	8,9	6,7
Фарғона	6,21	6,62	5,67	5,12	4,83	4,07	4,6	4,8	5,2
Хоразм	3,10	4,00	4,16	3,22	2,90	3,09	2,8	2,9	2,1
Тошкент шаҳри	15,20	17,35	16,94	16,45	20,54	18,98	20,4	21,8	16,3

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларда ҳудудлар улушининг ўзгаришини таҳлил қилишда, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келиб, у 2019 йилда 21,8 %, 2020 йилда эса 16,3 % ни ташкил қилган. Ҳудудлар кесимида қуйидаги вилоятларда республика бўйича паст кўрсаткичлар қайд қилинган: Хоразм 2,1 %, Сирдарё 3,6 %, Қорақалпоғистон Республикаси 4 %. Демак, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади.

Мамлакат инвестиция сиёсатини юритишда ҳар бир танланган ҳудуднинг кўлами, ташкилий-қонуний тизими ва бюджети, ҳудуд имкониятларини инобатга олган ҳолда уларга нисбатан қўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича масалаларни комплекс ҳал қилиш, бор имкониятларни маълум бир йўналишга ажратиш мумкин:

мамлакатнинг стратегик тараққиётини ифодалайдиган ҳудудий

<sup>52</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиши керак. Ушбу дастур маҳаллий ва хорижлик ишбилармонлар ўртасида алоқаларни жонлантириш, ҳудуднинг ўзига хослигини кўрсатишга, ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий шерикчиликка тайёр эканлигини намойиш қила олишни ифодалаш керак;

мамлакат иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичлари асосида ва ҳудудларни жадал тарзда ривожланишини рағбатлантириш. Тўғридан-тўғри маҳаллий ва хорижий инвестицияларни унумли лойиҳаларга жалб қилиш стратегиясини такомиллаштириш;

замонавий таълим-фан тараққиётини қўллаш асосида кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида тадбиркорлик муҳитига инновацион технологияларни татбиқ этиш;

мамлакат ва унинг ҳудудларида ички инвестиция имкониятларини ривожлантириш ва корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш жараёнида рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;

меъёрий-ҳуқуқий муҳит асослари ҳамда инвестицияларни қонуний ва институционал кафолатлаш механизмлари ишлаши, баъзан пайдо бўладиган келишмовчиликларни бартараф қилиш;

мамлакат ижтимоий-иқтисодиётининг ўсиш нуқталари каби устувор йўналишларига эътиборни қаратиш;

республика бўйича ҳудудий иқтисодий ва курорт-туристик салоҳиятларига инвестицион жозибардорлигини ва имижини шакллантириш (жумладан, курорт-туристик соҳаси бўйича кластер лойиҳасини амалга ошириш истиқболларига қуйидаги босқичга ажратилади: 1. экотуризм; 2. агротуризм ва 3. этник туризмни ташкил қилиш) механизмларини янада такомиллаштириш;

мамлакат ва унинг ҳудудларида инвестицияларни бошқариш тизими ва ўзига хос қалтисликларини камайтириш;

мамлакатнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳиятларини оширишга кўмаклашувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини янгилаб боришга давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсатини қўллаб-қувватлаш;

мамлакат иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш: ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланишидаги тафовутларни йўқотиш.

Инвестициявий салоҳият меҳнат бозорини модернизация қилишга ҳам боғлиқ, жумладан, ходимнинг инновацион тури – креативлиги, унинг ташаббускорлиги, фаоллиги масъулияти, жамоа билан ишлаш кўникмаси, эгилувчанлиги, мобиллиги, руҳий барқарорлиги. Россиялик иқтисодчи С.М.Вдовиннинг эътирофи этишича,<sup>53</sup> «Маҳаллий ва хорижий сармоядорлар учун минтақанинг инвестицион жозибadorлиги минтақани малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлашга боғлиқ. Шу муносабат билан кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим». Худудий хусусиятларга хос инвестициялар жозибadorликни оширишда илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади.

Республика вилоятлари ва улар туманларининг инвестицион жозибadorлигини ошириш, хусусан инфратузилма ва ахборот-коммуникацион тизимларини ҳамда инвестицион муҳитга таъсир этувчи бошқа омилларини яхшилашни талаб этади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ушбу омилларни аниқлаб олиш, керак бўлса уларни гуруҳларга ажратиб, чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Шу боис тадқиқот давомида мамлакатда фаолият юритаётган қатор тадбиркорлар, ишбилармонлар, инвесторлар ўртасида анкета сўровномалари ўтказиш режалаштирилди. Режалаштирилган анкета сўровномалари асосан, инвестициялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга қаратилган бўлиб, улар натижасини тўплаш асосида бу каби омиллар иқтисодий, ташкилий, инновацион ва ҳуқуқий шаклланишига кўра гуруҳланади (2.4-жадвал).

---

<sup>53</sup>Вдовин С.М. Инвестиционная привлекательность как фактор устойчивого развития региона. Экономический анализ: теория и практика. Москва. 41 (392). 2014.-24 с.

**Худудларда инвестициялар самарадорлигига салбий таъсир  
кўрсатувчи омиллар<sup>54</sup>**

<b>Иқтисодий</b>	<b>Ташкилий</b>	<b>Инновацион</b>	<b>Ҳуқуқий</b>
Хориждан келтирилмаган асбоб-ускуналар, ажратилмаган кредитлар-ни ўз вақтида конвертация қилинмаслиги	Маъмурий-бошқарув органларининг ижро интизоми борасидаги масъулиятсизлиги	Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилмаганлиги	Замонавий техника-технологиялар жорий қилиш, экспорт операциясини соддалаштиришни ҳуқуқий жиҳатлари етарли даражада такомиллашмаганлиги
Банк-молия, кредит ташкилотлари, божхона хизматидаги муаммолар	Инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларидаги муаммолар	Ишлаб чиқаришни модернизация қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг суст олиб борилиши	Ҳудудий солиқ ва божхона қонунчилигининг назорати тўлиқ олиб борилмаслиги
Инфратузилма, АКТ ва инвестицион муҳитга таъсир кўрсатувчи воситаларнинг суст ривожланганлиги	Маҳаллий ишчи кучи малакаси, рақобатбардошлиги ва касбий маҳоратининг пастлиги	Эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ривожланишида етарлича имкониятлар яратилмаганлиги	Қонунчилик ҳужжатларининг тадбиркорлар учун рағбатлантирувчи характерда эканлигининг тарғиб қилинмаслиги ва бошқалар
Салоҳиятли банк филиаллари, минибанкларни ташкил этиш, уларнинг капиталлашувини кучайтиришнинг етарли даражада ривожланмаганлиги муаммоси ва бошқалар.	Хорижий давлатдан келтирилаётган асосий воситалар, эҳтиёт қисмларнинг божхона сертификациясидан ўтказиш учун кўп вақт ва харажат талаб қилиниши.	Юқори технологик ва энергия тежамкор тармоқларни ривожлантириш контекстида инновацион йўналишларнинг ривожланмаганлиги ва бошқа омиллар.	Танланган соҳа ва тармоқларни инвестицион юридик шароитлари, ишлаб чиқаришнинг алоҳида омилларидан фойдаланиш тартиби

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.И.Мустафакуловнинг фикрича<sup>55</sup>. «Юқоридаги муаммоларнинг асосий ечими сифатида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: худудларнинг табиий-географик жойлашуви, инвестицион жозибадорликни акс эттирувчи кўрсаткичларни баҳолаш инвестиция маблағлари йўналтирилган объектдан келадиган даромад (иқтисодий қайтим) ҳамда инвестиция рискинни аниқлаш орқали амалга оширилиши лозим, мамлакатнинг сиёсий ҳолати, мавжуд бўлган табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар,

<sup>54</sup>Муаллиф томонидан гуруҳланган.

<sup>55</sup>Мустафакулов. Ш.И.Ўзбекистон худудларида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўналишлари. Миллий товарлар рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: ТДИУ. Фан ва технологиялар, 2018 й.-32 б.

инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги, хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига қаратилган стратегияларни белгилашда маркетинг асосномалари тўғри белгиланиши лозим».

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатга нисбатан қўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича макродаражада масалаларни ҳал қилишда бир қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

мамлакат ва унунг ҳудудларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш;

тармоқлар, соҳаларни муқобил ривожлантириш; фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш;

иш билан бандлик ва ишсизлик муаммоларини барҳам топтириш, ижтимоий ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилишнинг ечимларини татбиқ этиш ва бошқалар.

Инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг самарадорлигини баҳолашда иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни ошириш ҳамда ишчи кучи малакасини оширишнинг замонавий усулларидадан фойдаланиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётига жалб қилинадиган инвестицияларни мақсадли йўналтиришга таъсир кўрсатадиган омилларни тўлиқ баҳолаш учун алоҳида олинган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Бунда танланган ҳудуднинг урф-одатлари, ўзига хос иқлим шароити, миллий менталитети, эътиқоди ва бошқа хусусиятларни эътиборга олиш лозим. Турли ҳудудлар бўйича катта тафовутлар мавжудлиги, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ва жойлашуви, инфратузилма объектлари, табиий хом ашё захираси, қулай географик жойлашуви ва бошқа шарт-



шароитларнинг мавжудлиги шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасида стратегик йўналиш энг муҳим тармоқларнинг экспортга йўналтирилган таркибини ривожлантириш ҳисобланади (2.5-жадвал).

## 2.5-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар<sup>56</sup> (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 й.да 2015 йилга нисб.	
							(+,-)	%
<b>Ўзбекистон Республикаси бўйича жами</b>	<b>22797,3</b>	<b>28694,6</b>	<b>35233,3</b>	<b>41670,5</b>	<b>49476,8</b>	<b>68423,9</b>	<b>45626,6</b>	<b>3 бар</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларнинг ишлаши	3204,1	4632,3	6973,4	9701,1	7173,4	14203,8	10999,7	4 бар
Ишлаб чиқариладиган саноат	3714,7	4082,0	4780,7	5346,2	8992,1	12238,1	8523,4	3 бар
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондиционерлаш	969,0	1317,6	1687,6	2244,5	2722,6	5472,2	4503,2	5 бар

2.5-жадвалда 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат соҳасида тоғ-кон саноати ва очик конларнинг ишлаш йўналишига йўналтирилган инвестициялар 14203,8 сўмгача ёки 2015 йилдаги 3204,1 млрд. сўмга нисбатан қарийб 4 баробарга ортганлигини кўриш мумкин. Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондиционерлаш соҳасига 2015 йилда 969,0 млрд. сўм инвестициялар жалб этилган бўлса, 2020 йилда унинг ҳажми 4503,2 млрд сўмга ошиб, 5 баробарга кўтарилган. Ҳудудларга инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли иш билан бандлигининг ўсишини таъминлайди.

Академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича,<sup>57</sup> «Инвестиция борасида қарор қабул қилинганда, инвестор келажакда кўпроқ даромад олиш илминжида бугун харажат қилади. Табиийки, инвестициядан олинadиган даромадда ўзига яраша хатар даражаси ҳам бор, аммо улар келажакда

<sup>56</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>57</sup>Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик.-Т.: Fan, 2019. -212-466 б.

олинадиган даромад эканлигини ҳисобга олсак, улар иқтисодий жиҳатдан кулай даврга тўғри келиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам инвестор ҳозирги кунда киритмоқчи бўлган инвестициясининг қийматини келажакда олиши мумкин бўлган даромади билан солиштириб кўриши лозим».

БМТ маълумотларига кўра бутун дунё мамлакатларининг 45,5 % аҳолиси, яъни 3 миллиарддан ортиқ киши ишчи кучи ҳисобланади. Дунё бўйича меҳнатга қобилиятли аҳоли рейтинги бўйича Ўзбекистон 35-ўринда (18 миллионга яқин) қайд этилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда иш билан банд бўлган аҳоли 12,2 миллион кишини ташкил этади. Инновацион иқтисодиётда меҳнат фаолияти қуйидаги хусусиятлар билан фарқланади:

ишлаб чиқаришдаги инновацион ва инвестицион муҳит, юқори самарали иш жойлари тизими, ишлаб чиқариш жараёнининг инновацион ташкил этилиши;

меҳнатнинг интеллектуаллашуви. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти статистика хизматининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда иш билан банд ходимларнинг деярли 65 % интеллектуал меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда;

ходимнинг инновацион тури – креативлиги, унинг ташаббускорлиги, фаоллиги, масъулияти, жамоа билан ишлаш кўникмалари, мослашувчанлиги, мобиллиги, руҳий барқарорлиги ва бошқалар.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатга инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолати ва унинг самарадорлигини баҳолаш, инвестицияларни рағбатлантириш учун имтиёзлар мавжудлигини эътиборга олган ҳолда интеллектуал тизимларга инвестиция киритиш, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига рақамли инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ривожланган давлатларнинг тажрибалари асосида жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган солиқ имтиёзларининг рағбатлантирувчи таъсирини ошириш мақсадга мувофиқ.

### **2.3. Инвестициялар кўламини кенгайтиришда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш**

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларига инвестициялар жалб қилишнинг йўли – ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ташкил этишдан иборат. Шу ўринда хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва маҳаллий маҳсулотлар экспорти ҳажми ва диверсификациясини ошириш бўйича мазкур махсус иқтисодий зоналарнинг турлари фаолиятининг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг фикрича<sup>58</sup> илғор хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақаларда инвестицион жозибадорликни ошириш йўналишларидан бири – бу эркин иқтисодий ва махсус индустриал зоналарни яратиш билан боғлиқ.

Ш.И.Мустафақулов фикрига кўра<sup>59</sup> «Эркин иқтисодий ҳудуд – бу мамлакатнинг ҳам имиждир. Эркин иқтисодий ҳудудлар, ҳатто ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатнинг либераллашувига хизмат қилади. Эркин иқтисодий ҳудуд қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун кўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради».

Бу борада мамлакатимизда сўнгги йилларда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари тизими шакллантирилди. Натижада ҳозирги кунда республикамизнинг 10 та минтақасида 14 та эркин

---

<sup>58</sup>Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва таълим, 2017. №4 -86 б.

<sup>59</sup> Мустафақулов Ш.И. (2017) Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Тошкент. 2017 “Iqtisod-Moliya”. – 186 б.

иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этилиб, бугунгача ушбу зоналарда 62 та лойиҳа амалга оширилиб, яна 87 та лойиҳа бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида<sup>60</sup> «Эркин иқтисодий зона - минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир» деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида эса «Эркин иқтисодий зона — янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд»<sup>61</sup> деб таърифланиб, у махсус иқтисодий зоналарнинг турлари сифатида тавсифланади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва ҳудудий иқтисодий-ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш мақсадида<sup>62</sup> 2008 йилда 1 та, 2012-2013 йилларда 2 та, сўнгги икки йил мобайнида эса 18 та янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий зона фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг 20 таси 2016 йилдан кейин ташкил қилинган.

---

<sup>60</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6 сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й. 03/18/476/1087-сон.

<sup>61</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида» 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604 сон Қонуни

<sup>62</sup>Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси ва автореферати. ТМИ. 2019 йил. 24 б.

Шунингдек, туманларни ҳам комплекс иқтисодий ривожлантириш мақсадида бугунги кунга қадар 348 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, улар фаолият юритиб келмоқда. Натижада эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида<sup>63</sup> эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган<sup>64</sup>. Бунда умумий эркин иқтисодий зоналардан ташқари алоҳида соҳалар, жумладан туризм, фармацевтика каби муҳим соҳаларда эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўлга қўйилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Ўзбекистонда ЭИЗларга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун зарурий қонунчилик асослари, солиқ ва божхона имтиёзлари ва турли преференциялар тизими шакллантирилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолиятини умумий тартибга солиш нуқтаи назаридан 2020 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. 2016 йил 26 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли Фармони асосида барча эркин иқтисодий зоналар мақоми, имтиёзлари тенглаштирилди.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмоний шахслар) хўжалик, молиявий ҳамда бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бундан мустасно (2.4-расм).

---

<sup>63</sup> Кичик саноат зонаси (кейинги ўринларда КСЗ деб аталади) — ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми;

<sup>64</sup> Б.Тўразода. Эркин иқтисодий зоналар – тараққиёт таянчи. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34365/> 2021 йил 28 апрель.



**2.4-расм. Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш турлари<sup>65</sup>**

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган корхоналарга ва эркин иқтисодий зоналарга бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари берилган. Уларга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссиясининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланилаётган солиқ ва божхона режимлари бирхиллаштирилди ҳамда ушбу зоналар иштирокчилари киритилган инвестиция ҳажмига қараб, ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлар жамғармасига мажбурий ажратмаларидан, жумладан:

300 минг АҚШ долларидадан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидадан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидадан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар – 7 йил муддатга озод қилинди.

10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад

<sup>65</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда – 10 йил муддатга берилади.

Мазкур қонунчилик ҳужжатидан кейин 2017 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ПФ-4931-сонли «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сонли «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги асосий вазифалар кўрсатиб берилди:<sup>66</sup> «...Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин». Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ҳамда преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим. Энг асосийси, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ҳамда чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак.

Шу ўринда мамлакатимиздаги махсус индустриал зоналар фаолиятига эътибор қаратайлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4516-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридан 363,7 га ер, Сирдарё вилояти Сирдарё туманидан 150 га ер


---

<sup>66</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси [www/ Lex.uz](http://www.lex.uz).

майдонлари ажратилган.

«Жиззах» махсус индустриал зонасида Ўзбекистон-Хитой саноат паркини барпо этиш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технологияли корхоналар ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш белгиланган. Шу мақсадда қуйидаги ишлаб чиқариш соҳалари устувор йўналиш сифатида белгиланган: кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш моллари, полимер маҳсулотлари ва бошқа йўналишлар.

«Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида умумий қиймати 264,1 млн. АҚШ доллар, шундан 165,5 млн. АҚШ доллари хорижий инвестициялар бўлиб, жами 25 та лойиҳани амалга ошириш маъқулланган бўлиб, уларнинг 7 таси Сирдарё филиалида ташкил этилади.



### 2.5-расм. «Жиззах» ЭИЗ доирасида жалб этилган хорижий инвестицияларнинг миқдори, млн. АҚШ доллар<sup>67</sup>

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра<sup>68</sup> 91,3 млн. АҚШ долларига тенг қийматдаги 19 та лойиҳа амалда ишга туширилган бўлиб, жами 1324 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Жумладан, умумий қиймати 51,4 млн. АҚШ доллари бўлган 14 та лойиҳа Жиззах шаҳрида, 39,9 млн. АҚШ доллари бўлган 5 та лойиҳа Сирдарё филиалида жойлаштирилган. 2019 йилда жами

<sup>67</sup>Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>68</sup>Жиззах вилояти Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари.



19 та лойиҳа томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 291,5 млрд. сўмни (2018 йилга нисбатан 3 баробар кўп), экспорт ҳажми эса 14,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2,5 баробар кўп).

Инвестиция лойиҳалар сонини яна 25 тага кўпайтириш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун қўшимча 213 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиши мўлжалланган. Бу борада баъзи камчиликлар ҳам мавжуд, хусусан, мазкур вилоят туманларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимлари етарли даражада сифатли йўлга қўйилмаган. Шундан келиб чиқиб лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари ва амалга оширилган илмий-изланишлар ҳамда олиб борилган илмий-назарий ўрганишларга қарамай, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислоҳотлари шароитида эркин иқтисодий зоналар фаолиятида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини кенг қамровли статистик таҳлил қилишни такомиллаштиришда уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи омилларни статистика кўрсаткичлари ёки анкета сўровномалари натижалари асосида баҳолаш мумкин.

Иқтисодий зонанинг инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш учун юқорида келтирилган анкета сўровномаларининг натижалари ҳамда статистика кўрсаткичларидан фойдаланиб умумлашган баҳо усулини қўллаган ҳолда ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи учун амалга оширилади. Бунинг учун умумлашган кўрсаткичларни белгилаб олинган режа бўйича бажарилиш даражасини аниқлашга қаратилган эркин иқтисодий зоналарнинг инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларига прогноз ва ҳақиқатдаги қийматлар таққосламаси орқали баҳо берилади.

Баҳолаш 5 балли қийматда белгиланиб, бажарилган ишлар ҳолатини баллар бўйича ўрнатилган мезонлар асосида назоратга олиш белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон иқтисодиёти таҷрибасида эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш жараёнида айрим оралиқлар ҳисобга киритилмасдан ёки оралиқларнинг такрорланиши бир қатор ноқулайлик келтириб чиқаради. Шу боис, фикримизча, баҳолашни 100 фоизлик ишни бажариш тартибига эътибор қаратган ҳолда бир қатор мезонлар асосида режа бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади (2.6-жадвал).

## 2.6-жадвал

### Эркин иқтисодий зоналарда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини умумлашган баҳо усулида баҳолаш мезонлари<sup>69</sup>

ЭИЗ самарадорлигини баҳолаш даражаси	Вазифа-ларнинг бажарилиши бўйича баллар	Интерпретация
91 %-100 %	5	Эркин иқтисодий зонада инвестициядан фойдаланиш самарадорлиги юқори даражада
71 %- 89,9 %	4	Эркин иқтисодий зонада инвестициядан самарали даражада фойдаланилмоқда
50 %-70,9 %	3	Инвестициядан фойдаланиш самарадорлик даражаси ўртача ҳолатда
21 %-49,9 %	2	Эркин иқтисодий зонада инвестициядан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада
0 %-20,9 %	1	Эркин иқтисодий зонада инвестициядан фойдаланиш самарасиз

Жадвалда келтирилган мезонлардан фойдаланган ҳолда, мамлакат иқтисодиётида инвестициялардан фойдаланиш ва ушбу жараёни, айниқса, инвестициялардан самарали фойдаланиш имконига эга бўлган эркин иқтисодий зоналарда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ҳамда тўғри қарор қабул қилиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтган йилда «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида қиймати 76,9 млн. доллар бўлган 15 та лойиҳа ишга туширилиб, 917 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Йил якуни бўйича ишлаб чиқариш ҳажми 205,9 млрд. сўмни, экспорт ҳажми эса 4,1 млн. долларни ташкил этди. Шунингдек, ҳудудда қиймати 275,5 млн. долларлик 6 та инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш биноларини қуриш ва ускуналарни ўрнатиш ишлари бошлангани маълум бўлди. Бугунги кунда

<sup>69</sup> Муаллиф ишланмаси

мазкур эркин иқтисодий зонада Маъмурий кенгаш қарорларига мувофиқ, ишлаб чиқилган қиймати 18 млн. доллар бўлган 3 та истиқболли инвестиция лойиҳалари бўйича потенциал инвесторларни жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Мамлакатга инвестиция кириб келишида инвестор учун инвестицион жозибадорлик керакли шарт-шароитларнинг яратилганлигини асослаб бериши ҳамда унинг ишлаб чиқарган товарларини бозорларга етказиб бериш бўйича қулайликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ривожланган давлатларнинг тажрибасидан уларда ёқилғи-энергетика соҳасига кўпроқ инвестициялар йўналтирилиши маълум. Ўзбекистонда ҳам киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми ҳам худди шу соҳага жойланаётганлиги аён бўлмоқда. Эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш ёки концессияга бериш йўли инвестицияларни жалб қилиш ва бошқа тармоқларни ҳам ривожлантиришга эътибор қаратишни талаб қилади.

Бу борада деярли республика бўйича ташкил этилган барча иқтисодий зоналарда инвестицион жозибадорликни ошириш учун инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимлари етарли даражада сифатли йўлга қўйилмаганлиги лойиҳаларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммоси юзага келтиради.

## **ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан бери қулай ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ривожлантиришни таъминлаш учун худудларда инвестициялар самарадорлигини ошириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар тадрижийлик ва барқарорлик хусусиятда бўлганлиги сабабли инвестиция сармояси оқими давлатлараро ва халқаро келишувлар кўринишидаги давлат кафолатлари билан таъминланишига эришилмоқда. Бу борада даставвал Ўзбекистон Республикасининг инвестициялар тўғрисидаги қонунчилигида халқаро

инвестиция ҳуқуқининг асосий қоидаларини, хусусан, хорижий инвестор ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги, инвесторлар учун маълум преференцияларни бериш тўғрисидаги асосий қоидаларни ва бошқаларни ўз ичига олганлиги билан характерланади. Иқтисодий ўсишда эришилган натижалар инвестиция сиёсатининг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ.

2. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги турли бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймайди.

3. Инвестицияларни жалб қилишда номутаносибликни бартараф этиш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологик модернизациялаш, диверсификация сиёсатини кучайтиришга алоҳида эътибор қартиш лозим. Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолашнинг асосий элементларига қуйидагилар: иқтисодий ривожланиш, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, ҳудудларида инвестицион фаолиятни юритиш хавфсизлиги ҳамда мамлакат демографик тавсифи киритилган. Мамлакатга инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда эса аввало инвестицион иқлимни ўрганиш, маблағ сарфлаётган инвесторларнинг эътиборини ўта зарур ва устувор тармоқларига тўғри йўналтира олиш мақсадга мувофиқ.

### **3-БОБ. МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Инвестицион самарадорликни оширишнинг ташкилий- иқтисодий механизмлари**

Мамлакатимизда жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини модернизациялаш ҳамда диверсификация қилиш жараёнларини янги босқичга олиб чиқишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Ҳеч қайси давлат инвестицияни ривожлантirmасдан, ҳеч қандай натижага эришмайди. Энг мураккаб йўл, бу инвестиция жозибадорлигини сармоядорларга етказиш бўйича катта ишларни қилишимиз керак»<sup>70</sup>. Шу ўринда 2019 йилнинг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили», 2020 йилнинг эса «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номланиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида иқтисодий фаолият субъектлари учун қулай хўжалик юритиш шароитларини яратиш орқали мамлакатда инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуини ифода этди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга, улардан оқилона фойдаланишга қаратилган. Бу борадаги вазифанинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикасининг Президенти «Энг

---

<sup>70</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил. <https://www.uza/uz>.

асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур»<sup>71</sup> деб алоҳида кўрсатиб берди.

Ҳозирги иқтисодийни модернизациялаш даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция соҳасидаги ислохотлар иқтисодий барқарорлик, таркибий тузилмалар янгиланишини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши, иқтисодий тараққиёт суръатларини ошириш, иш ўринларини яратишга кўмаклашувчи фаол инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни ҳудудларда изчил амалга оширишда инвестицион самарадорликни шакллантириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.


Мамлакат иқтисодиётида инвестицион самарадорликни шакллантириш макроиқтисодий жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, уни бошқаришда ташкилий-иқтисодий механизмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур механизм инвесторларни жалб қилиш ва мақсадли инвестиция дастурларини амалга оширишнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Иқтисодий, ташкилий, бошқарув ва хўжалик механизмларининг етарлича кенг ўрганилганлиги ва нисбатан чуқур тадқиқ этилганлигига қарамай, «механизм» тушунчаси етарлича аниқ тавсифланмаган.

Ушбу ноаниқлик турли давлатларнинг ҳар хил формацияларида бошқарув механизмларига нисбатан янада кучаяди. Умуман бошқариш механизми бошқариш тизимининг энг фаол элементи сифатида кўриб чиқилиши зарур. Ушбу механизм омилларга ўз таъсирини кўрсатади ва бошқарилаётган объектнинг фаолият натижаси бу омиллар ҳолатига боғлиқ бўлади. Мамлакат иқтисодиётини ташкил этувчи ҳудудий инвестиция стратегиясининг бошқариш механизмини уни инвестицион ривожлантириш

---

<sup>71</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.Lex.uz.

мақсадларига эришиш учун ҳудуд даражасида давлат ҳокимияти органлари томонидан қўлланиладиган, ҳудудда инвестиция жараёнларига таъсир этувчи инвестиция ресурслари, усуллари, воситалари, дастаклари жамланмаси сифатида аниқлаш мумкин. Инвестицион самарадорликни шакллантириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмлар амал қилишига қараб қуйидагича гуруҳланади (3.1-расм).



**3.1-расм. Инвестицион самарадорликни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлар<sup>72</sup>**

Ташкилий-иқтисодий механизмлар бир-бири билан узвий алоқадорликда умумий жиҳатларни ифодалайди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ва унинг ҳудудларида инвестицион самарадорликни ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Бироқ шу билан бирга ҳудудларда бу борада қатор муаммоларнинг мавжудлиги маълум бўлмоқда. Жумладан, ҳудудларда чет эл инвестицияларига хизмат кўрсатишда ижтимоий инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги, ҳудудга кириб келиши кўзда тутилаётган инвесторга унинг ишлаб чиқарган товарларини бозорларга етказиб бериш бўйича қулайликлар яратилмаганлиги, пул-кредит ва валюта

<sup>72</sup> Муаллиф ишланмаси

муносабатларидаги муаммолар, хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар ва бошқа хом ашёлар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш масаласи, замонавий фан ва техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ва инновацион ёндашувлардан мақсадли фойдаланишда рағбатлантирувчи усулларнинг етарли эмаслиги сингари масалаларга ечим топиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Тадқиқотлар далолат беришича, Жиззах вилоятининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг йиллик ўсиш суръати бошқа ҳудудларга нисбатан юқорироқ. Вилоятда 2010 йилдан буён ялпи ҳудудий маҳсулот 36,0 баробар ўсгани, кейинги ўн йилда саноат маҳсулотлари ҳажми икки маротаба кўпайиб, унинг улуши 14,3 % дан 27,5 % етгани ана шундай амалий ишлар натижасидир. Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида, инвестицион самарадорликни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тадқиқ этиш натижасида ҳудудларда аниқланган муаммолардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий йўналишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқир.

Ҳудудларнинг меҳнат ресурслари ва демографик ҳолати таҳлили ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги ички ва ташқи логистик тармоқ тизими муносабатларини яхшилаш. Мазкур муносабатлар маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларларни логистика хизматларидан самарали фойдаланиш тизими ривожига боғлиқ. Чунки жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодиётни юксалтириш, сифат жиҳатидан бутунлай янги ўзгаришлар бевосита замонавий логистика хизматлари фаолиятига боғлиқ.

Ҳудудларда инвестиция муҳитини шакллантиришда давлат бошқарув органлари ва уларнинг мустақиллиги асосий ўрин тутади. Бунда давлат томонидан инвестицияларни тартибга солиш ва бошқариш, инвестиция фаолиятининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, солиқ борасидаги ислоҳотларни ўтказиш ва шу орқали даромад олиш, уни реинвестициялаш мақсадларига қаратилиши лозим.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестициялардан



фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилиш асосида унинг барқарорлигини таъминлашдан манфаатдор институционал объектлар билан ўзаро алоқаларни кучайтириш ва такомиллаштириш талаб қилинади.

Мамлакат иқтисодиёти бошқарувининг институционал усуллари инвестиция тизими субъектлари фаолияти ва унинг инвестиция дастурини амалга ошириши учун зарур бўлган бир қатор замонавий тузилмаларни барпо этиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Бундан ташқари, тадқиқотда аниқланишича, ҳудудлардаги инвестицион фаолликка бозор иқтисодиёти механизми қонуниятларининг шаклланганлиги, банк-молия, кредит хизматларининг тараққий этиб бориши, қулай табиий иқлим шароитлари, фойдали қазилма бойликларининг мавжудлиги, кичик бизнес субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар ва бошқа омиллар ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах» махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони воҳанинг саноат салоҳиятини ошириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қулайликлар яратди. Чунончи, Жиззах вилоятини 2020-2022 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида жами 291 та лойиҳанинг амалга оширилиши назарда тутилган. Жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 98 та инвестиция лойиҳаларининг рўёбга чиқариш, бу орқали 3 269 та янги иш ўринлари яратилиши кўзланган.

Бу борада ўз ечимини кутаётган, жумладан, хориждан келтириладиган асбоб-ускуналар ва бошқа хом-ашёлар учун ажратиладиган кредитларни ўз вақтида конвертация қилиш каби айрим муаммолар ҳам мавжуд. Бу эса ўз навбатида дастурга киритилган айрим лойиҳаларнинг амалга ошишига ижобий таъсир қилади. Фикримизча, ҳудуднинг инвестицион

жозибадорлигини ошириш<sup>73</sup>, жумладан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларни яхшилаш ва инвестицион муҳитга таъсир этувчи бошқа омилларни яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга оширишда чет эл инвестицияларни жалб этиш муаммога айланиб кетиши мумкин. Инвестицион жозибадорлик ҳудудга кириб келиши кўзда тутилаётган инвесторга керакли шарт-шароитларнинг яратилганлигини асослаб бериши ҳамда унинг ишлаб чиқарган товарларини бозорларга етказиб бериш бўйича қулайликларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини амалга оширишда бозор муносабатларига мос дастаклардан фойдаланиш, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб бериш, инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш, молиявий моддий ва ақлий бойликларни бошқаришда буткул эркин ҳаракат қилиш ҳамда шунга тенглаштирилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Инвестицион самарадорликни шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ҳудудларда тартибга солиш ва назорат қилиш орқали ички инвестициялардан самарали фойдаланиш ва ундан тегишли тармоқларда мақсадли фойдаланишга эришиш мумкин. Бу борада давлат ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган инвестиция дастурлари инвестиция салоҳиятини мақбуллаштириш учун инвесторларнинг вилоятларда рационал жойлаштирилишига аҳамият қаратади. Бу эса инвесторларнинг эътиборига мос тушмайдиган ҳудудлар учун қўшимча давлат амалий ёрдами кўрсатиш заруратини белгилайди. Вилоятларда инвестиция бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларда инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаларни ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш

---

<sup>73</sup>Камилов Д.Минтакавий иқтисодий ўсишни таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2019. -249 б..

мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда республикамиздаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғини жадал ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тармоқда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва техник-технологик қуролланиш даражасининг пастлиги, жонли меҳнат сарфининг юқорилиги оқибатида ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайишига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг техника ва механизмлар билан етарли таъминланмаганлиги ҳамда фондлар билан қуролланиш даражасининг пастлиги мазкур тармоқда меҳнат сиғимининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини кучайтирмоқда.

Бу эса иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни молиялаштириш ва фермер хўжаликларининг инвестицион маблағлари бюджетини тадқиқ этиш билан боғлиқ қатор янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли фермер хўжаликларида инвестицион ресурсларни жалб этиш хусусиятларини, молиялаштириш манбалари, шакллари ва услубларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимиз ҳудудларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий тўсиқлардан бири – ҳудуд иқтисодиёти реал секторига киритилаётган инвестицияларнинг етарли даражада эмаслигидир. Ҳудудлар инвестицион сиёсатини ишлаб чиқишда уларнинг инвестицион жозибадорлиги асос вазифасини ўтайди. Бугунги кунда республикамиз ҳудудларининг (айниқса, қишлоқ ҳудудларининг) инвестицион жозибадорлиги анчагина пастлигини қайд этиш лозим. Мамлакатимиз ҳудудлари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш методологияси ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва такомиллаштириш талаб этади.

Мамлакат ҳудудлари инвестицион жозибадорлигини аниқлаш борасида мавжуд ёндашувлар ва методикаларни тадқиқ этиш натижасида ўзига хос


методика шакллантирилди. Унга кўра мамлакат инвестицион жозибаторлигига таъсир қилувчи омиллар (кўрсаткичлар) гуруҳларининг умумлашган таснифи ишлаб чиқилди (3.2-расм).



**3.2-расм. Мамлакат инвестицион жозибаторлиги кўрсаткичлари таркиби<sup>74</sup>**

Мамлакат инвестицион жозибаторлигини баҳолашнинг ушбу кўрсаткичлар тизими барча соҳаларни қамраб олади ва унда инвестиция киритиш натижасининг турли томонлари ҳамда инвесторларнинг турли ҳошиш-истаклари (қизиқишлари) инобатга олинган. Бунда мамлакат инвестицион жозибаторлигининг интеграл ва рейтинг баҳолашини амалга ошириш асосида Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларини инвестицион жозибаторлик рейтинги 2020 йил 1 январь ҳолатидаги статистик маълумотлар бўйича аниқланди (3.3-расм).


<sup>74</sup> Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. / Дисс. PhD. – Самарқанд, 2018. 111-б.



**3.3-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион жозибadorлик рейтингини<sup>75</sup>**

3.3-расмда келтирилган мамлакат инвестицион жозибadorлигини баҳолаш методикаси бир қатор ўзига хос жиҳатларига эга бўлиб, хусусан, тизимлар назарияси тартибларидан фойдаланилган, яъни элементлар хилма-хиллигининг зарурлиги, минимал етарлилик ва уларнинг мақсадга йўналтирилганлиги тамойиллари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Жиззах вилояти ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири ялпи ҳудудий маҳсулот бўлиб, унинг 2017-2021 йилларда йиллик ривожланиш тенденцияси 9,1 фоизни ташкил этмоқда (3.4-жадвал).




**3.4 расм. Жиззах вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўзгариши,**

<sup>75</sup> Жиззах вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотларига асосида муаллиф томонидан тузилган

(ўтган йилга нисбатан %)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Жиззах вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми  $R^2=0,9982$  бўлганда аниқланган  $y=0,0145x^5-0,3042x^4+2,3934x^3-8,6723x^2+13,991x+110,68$  полиномиал тренд моделига эътибор қаратилса, 10,7 фоиз йиллик ўсишни кўриш мумкин. Аммо, Жиззах вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти йиллар давомида 9,1 фоиздан ошмаган. Вилоятда саноатни ривожлантириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилиши инобатга олинса, 2017-2021-йилларда 113,6 % дан юқори даражада режалаштирилган. Бу ишларни «Жиззах» махсус индустриал зонаси негизида ҳудудга берилаётган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Буни эса, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотларига кўра, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳисобидан рўёбга чиқариш режалаштирилган (3.5-расм).



**3.5-расм. Жиззах вилояти асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғининг ўзгариши (ўтган йилга нисбатан %) <sup>76</sup>**

3.5-расмдан Жиззах вилояти асосий капиталига киритилган инвестициялар салмоғи 2015 йилда 96,4 фоизга тенг бўлиб, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 110,9 % ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Жиззах вилояти

<sup>76</sup>Жиззах вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотларига асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2017-2021 йилларда йиллик 10 фоиздан кам бўлмаган даражада ривожлантириш режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич  $R^2 = 0,9638$  бўлган ҳолат учун аниқланган  $y=0,0659x^5-1,6288x^4+15,237x^3-66,55x^2+133,08x+112,1$  полиномиал тренд тенгламасида ифода этилиши бўйича 12,1 фоизга тенг бўлиши кутилмоқда.

Албатта, келтириб ўтилган барча ижобий натижаларга эришилгалигини қисқа муддатларда вилоятда “Prima Lyuks fayz teks” МЧЖ томонидан лойиҳа қиймати 450 млн. сўмлик шлакоблок, декоратив ва хом ғишт ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилгани ва хитойлик сармоядорлар билан ўтган қисқа даврда “Ўзтелеком” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда учта замонавий корхона барпо этилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бунда замонавий технологиялар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўлланиладиган аппаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотлари юқори сифати билан ажралиб туради.

Шунингдек, қулай инвестиция муҳитини яратиш ва туризм соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, ушбу йўналишда изчил амалга оширилаётган давлат сиёсатига инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, шу билан бирга инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида ҳудудларда замонавий туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада туризм соҳасига қаратилган чора-тадбирлар натижасида вилоятга 2018 йилда 5800 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрган. 2019 йилда бу кўрсаткич пандемия сабабли 12,3 фоизга камайган бўлса ҳам, вилоятнинг турли ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларига турли давлатлардан туризмнинг барча турлари бўйича ҳозирги кунгача 825800 нафар сайёҳлар ташриф буюришган. Демак, ҳудудда туризмнинг деярли барча турларини ривожлантириш имкониятлари мавжуд эканлиги ҳисобга олинса, соҳага

инвесторларни йўналтириш, уларни ривожлантириш учун керакли ишларни амалга ошириш лозим.

Жиззах вилояти мисолида мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хусусан, инфратузилма ва ахборот коммуникацион тизимларини яхшилаш ва инвестицион муҳитга таъсир этувчи бошқа омилларни яхшилаш талаб этилади. Акс ҳолда лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб қилишда муаммолар юзага келади. Жумладан, инвестицион жозибадорлик ҳудудга кириб келиши кўзда тутилаётган инвесторга керакли шарт-шароитларнинг яратилганлигини асослаб бериш ҳамда унинг ишлаб чиқарган товарларини бозорга етказиб бериш бўйича қулайликлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Инвестицион самарадорликни ошириш ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун вилоят ва туман миқёсида қабул қилинган ва истиқболда қабул қилинадиган инвестиция дастурларининг самарали ўзлаштирилишини тўлиқ таъминлаш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

инвестиция ресурслари манбаларини аниқлаш, уларни шакллантириш учун маҳаллий бошқарув органлари томонидан ҳар бир туман бўйича инвестиция дастурлари бажарилишининг узлуксизлигини таъминлаш, мониторинг олиб бориш;

инвестиция ва маҳаллийлаштириш дастурларини бажариш ҳамда ҳудудларни тараққий эттириш бўйича транспорт логистикасини ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада инновацион механизмларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;

ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестиция жараёнини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқаришдаги инновацион ва инвестицион муҳитнинг, ишлаб чиқариш жараёнининг инновацион ташкил этилишига эришиш;

ахборот-коммуникацион тизимларни яхшилаш, амалга оширилаётган



инвестиция лойиҳалари ва имкониятлари ҳақида маълумотлар базасини яратиш.

Мамлакат ҳудудларида инвестицияларнинг маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилиши маҳаллий органлар бюджетлари имкониятларининг кенгайтирилишига ва мустақиллигига қаратилиши зарур, чунки вилоят ва туман инвестиция муҳитини шакллантиришдаги энг муҳим молиявий манбалар асосан ташқи ва ички манбаларнинг мақсадли сарфланишига боғлиқ.

Фикримизча, мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш унинг мустаҳкам ташкилий-иқтисодий механизмларини яратиш ва самарадорлигини таъминлаш амалий чора-тадбирларига боғлиқ. Ушбу чора-тадбирлар тизими механизмдаги ҳар бир элементнинг такомиллашув ва ривожланиш даражасига боғлиқ. Бу борада ташқи ва ички имкониятлардан фойдаланиш, тадбиркорлик муҳитига инновация технологияларини татбиқ этиш асосида инвестицияларни ҳудудий корхоналарга жалб қилиш, уларни устувор тармоқларга тўғри йўналтира олиш мақсадга мувофиқ.

### **3.2. Мамлакатда инвестиция сиёсатини юритишнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш усулини такомиллаштириш**

Инвестициявий салоҳият меҳнат бозорини модернизация қилишга ҳам, жумладан, ходимнинг инновацион хусусиятлари – креативлиги, унинг ташаббускорлиги, фаоллиги, маъсулияти, жамоа билан ишлаш кўникмаси, эгилувчанлиги, мобиллиги, руҳий барқарорлиги кабиларга боғлиқ. Россиялик иқтисодчи С.М.Вдовиннинг эътирофига кўра<sup>77</sup> «Маҳаллий ва хорижий сармоядорлар учун минтақанинг инвестицион жозибadorлиги минтақани малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлашга боғлиқ. Шу муносабат билан кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга

---

<sup>77</sup>Вдовин. С.М. Инвестиционная привлекательность как фактор устойчивого развития региона. Экономический анализ: теория и практика. Москва. 41 (392). 2014.-24 с.

алоҳида эътибор қаратиш лозим». Худудий хусусиятларга хос инвестициялар жозибадорликни оширишда илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикаимиз худудларида инвестициялар самарадорлигини оширишнинг худудлар бўйича параметрларини тизимли истиқболлаштириш ва мониторинг қилиш механизмларини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Бутун жаҳонни қамраб олган COVID-19 пандемияси шароитида иқтисодий тармоқларининг самарали фаолият юритиши ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелида қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4691 қарорида бюджетни, кишлоқ хўжалиги, коммунал ва энергетика соҳаларидаги корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида, халқаро молия институтлари билан умумий қиймати 3 млрд. АҚШ долларидан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилганлиги, шунингдек, коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатларига қарши курашиш чора-тадбирлари учун грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ташкилий ишлар муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, мамлакат иқтисодий юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимида интеграциялашувини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган. Бу борадаги

вазифанинг аҳамиятини Ўзбекистон Республикасининг Президенти<sup>78</sup> ҳам ўз нутқида алоҳида уқтириб ўтди: «Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириш, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур».

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Худудий инвестицион самарадорликни шакллантириш макроиқтисодий жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, уни бошқаришда ташкилий-иқтисодий механизмлар алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур механизм инвесторларни жалб қилиш ва мақсадли инвестиция дастурларини амалга оширишнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда инвестиция сиёсати ишлаб чиқилган бўлиб, унда иқтисодиётга маблағларни киритиши учун қулай шароитларни яратиш орқали инвестиция салоҳиятини юксалтириш белгиланган. Давлат инвестиция сиёсатида инвестиция фаоллигининг устувор аҳамиятга эгаллиги касб этиши республикада мақбул инвестиция муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, ушбу муносабатлар минерал хом ашё, ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, халқаро сайёҳлик индустриясини ривожлантиришга эътибор кучайтирилиши билан ўз мазмунига эга. Мана

---

<sup>78</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.Lex.uz.

шундай аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат натижасида республиканинг кўпгина вилоятларида мақбул инвестиция муҳитини шакллантиришга эришилмоқда.

Шу ўринда мазкур мақсаднинг амалга ошишида ҳудуднинг инвестицион жозибаторлигини ошириш, инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади. Ҳар бир ҳудуднинг ўз маҳаллий ички сиёсатини ишлаб чиқиш асосида ҳудудлар томонидан инвесторларни жалб қилиш учун максимал даражада жозибатор шарт-шароитни яратишга эътибор қаратиш лозим. Бу борада қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификациялаш ва барқарор ривожланиши учун хусусий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи самарали тизимни яратиш мазкур йўналишнинг асосий мақсадидир деб таъкидлаш лозим.

Республикада инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган ишлар натижасига назар солинса, 2019 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажми 1195,9 трлн. сўмдан ошиқроқ маблағни ташкил этиб, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 38,1 % га ўсганлигини билдиради. Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар улуши 29,3 %, ҳамда чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобидан инвестициялар эса 43,6 фоизга тенг бўлди. Бу кўрсаткич 2020 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажми 2019 йилга нисбатан 7,3 фоизга ошиб, 210,2 трлн. сўмга тенг бўлди.

Мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестиция ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги техника ва технологиялар билан таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва энг асосийси иқтисодиётни барқарор ўсиши имкониятини яратади. Бу, ўз навбатида, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсир этишини белгилайди. Шу ўринда, ялпи талабнинг ўсиши ялпи тақлифнинг ўсишига тенг бўлиши учун инвестициялар қандай ўсиши керак деган савол пайдо бўлади. Бу саволга жавоб топиш учун Е.Домар уч

тенгламани ўз ичига олган тенгламалар тизимини тузган бўлиб, дастлаб тадқиқотда мамлакат иқтисодийётида инвестиция фаолиятини ушбу тенглама орқали баҳолашга ҳаракат қиламиз:

1. Таклиф тенгламасида инвестициялар ишлаб чиқариш омилларининг қанчага қўшимча ўсишини кўрсатади. Агар берилган шароитда инвестициялар  $\Delta I$  миқдорга ўсса, ялпи ишлаб чиқариш  $\Delta K$   $a$  миқдорга кўпаяди:

$$\Delta Y_s = \Delta K * a \quad (3.1)$$

бунда  $\Delta K$  инвестициялар ҳисобига таъминланганлиги учун тенгликни:

$$\Delta Y_s = I * a$$

деб ёзиш мумкин, бунда  $a$  — капитал қўйилмаларнинг (инвестицияларнинг) чегаравий унумдорлиги. Агар бир йилда ялпи ишлаб чиқаришни 1 млрд. сўмга ошириш учун 4 млрд. сўм инвестиция талаб этилса  $a = 0,25$  бўлади. “ $a = \Delta Y_s / I$ ” бир сўмлик инвестиция ҳисобига яратилган янги маҳсулот миқдорини кўрсатади.

2. Талаб тенгламаси қуйидаги кўринишга эга

$$\Delta Y_d = \Delta I * (1/\mu), \quad (3.2)$$

бу ерда  $1/\mu$  - харажатлар мультипликатори,

$\mu$  - жамғаришга чегараланган мойиллик.

Бу тенглама миллий даромад  $\Delta Y_d$ , ёки ялпи талаб қўшимча инвестицияларнинг мультипликатив кўпайишига тенг миқдорда ўсишини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш тўпланган жами капитал билан таъминланиши, миллий даромад эса қўшимча инвестицияларнинг мультипликатив таъсири остида кўпайиши сабабли таклиф тенгламасида жами инвестициялар, талаб тенгламасида эса қўшимча инвестицияларгина кўриб чиқилади.

3. Даромадлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг қўшимча ўсиш суръатлари тенглиги тенгламаси:

$$\Delta I (1/\mu) = I * a$$

Бу тенгламани ечиб, қуйидаги натижани оламиз:

$$\Delta I/I = \mu * a$$

( $\Delta I/I$ ) - инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати, у ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ёрдамида тўлиқ бандликни таъминлаб туриш учун ( $\mu a$ ) миқдорга тенг бўлиши керак. Бундан хулоса – инвестицияларнинг мутаносиб ўсиш суръати жамғаришга чегараланган мойиллик ва инвестицияларнинг унумдорлиги (капитал қайтими) даражаларининг ҳосиласи экан.

Е.Домар моделидан келиб чиқадиган умумий хулоса шундан иборатки, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун инвестициялар ҳажмини ошириш, бунинг учун эса жамғариш нормаси ҳамда фан-техника тараққиёти орқали капиталнинг самарадорлигини ошириш зарур.

Р.Харрод моделида ҳақиқий ўсиш суръати ишчи кучининг ўсиш суръати ва капитал унумдорлигининг ўсиш суръати билан белгиланади, яъни:

$$G * c = s \quad (3.3)$$

бу ерда:  $G$  - ЯИМнинг ҳақиқий қўшимча ўсиш суръати,  $\Delta Y / Y$ ;

$c$  - ишлаб чиқаришнинг капитал талабчанлиги коэффициенти,  $I / \Delta Y$ ;

$s$  - миллий даромаддаги жамғариш ҳажми ёки жамғаришга ўртача мойиллик,  $S / Y$ ;

Тадбиркорлар динамик мувозанат таъминланган ўсиш суръати бўлган кафолатланган (прогноз қилинган) ўсиш суръатига асосланиб ўз инвестиция режаларини тузадилар. Кафолатланган ўсиш суръати жамғаришга ўртача мойиллик даражасининг акселераторга нисбати сифатида аниқланади:

$$G_w = s / c_g \quad (3.4)$$

бу ерда:  $G_w$  — кафолатланган ўсиш суръати

$c_g$  - талаб этиладиган капитал талабчанлик коэффициенти (ўтган йиллардаги шаклланган даражаси); Бу кўрсаткичлар доимий бўлганлиги сабабли кафолатланган ўсиш суръатлари ҳам доимий бўлади. Агар ҳақиқий

ўсиш суръати кафолатланган ўсиш суръатига мос келса, иқтисодиётда барқарор узлуксиз ўсиш таъминланади. Амалиётда бунга ҳар доим ҳам эришиб бўлмаслиги туфайли қисқа муддатли даврий тебранишлар рўй беради.

Р.Солоу модели иқтисодий ўсишнинг уч манбаи — инвестициялар, ишчи кучи миқдори ва техник тараққиётнинг ўзаро алоқадорликларини очиб бериш имконини беради. Давлат иқтисодий ўсишга жамғариш нормаси ҳамда техник тараққиётнинг тезлигига таъсир этиш билан уни жадаллаштириши мумкин. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда юқорида келтирилган ўсиш моделлари асосида уларга инвестициялар таъсири қандай бўлишини ҳисоблаб топиш мумкин (3.1-жадвал).

**3.1-жадвал**

**Иқтисодий ўсишга Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига инвестицияларнинг таъсири<sup>79</sup>**

№	Ўсиш моделлари	Тенгламалар	2017-2018 йиллар	2018-2019 йиллар	2019-2020 йиллар
1.	Е.Домар модели	Таклиф тенгламаси: $\Delta Y_s = \Delta K * a$	66,5	69,6	46,3
		Талаб тенгламаси: $\Delta Y_d = \Delta I * (1/\mu)$	60,2	69,3	68,1
		Талаб ва таклиф тенглиги $\Delta I(1/\mu) = I * a$	47142,6	69326,8	8932,1
2.	Р.Харрод модели	Ҳақиқий ўсиш суръати тенгламаси: $G * c = s$ ; бунда $G = \Delta Y / Y$ ; $c = I / \Delta Y$ ; $s = S / Y$	46917,7	64748,4	9096,6
		Кафолатланган ўсиш суръати $G_w = s / c$ ; $c$ - талаб этиладиган капитал талабчанлик коэффициенти	46281,2	61291,9	9619,7
3.	Р.Солоу модели	Функциянинг кенгайтирилган кўриниши $Y = (\Delta Y / \Delta L) * L + (\Delta Y / \Delta K) * K$ $YIM = \frac{AKI^{0,23} * IBS^{0,22} * AJD^{0,77} * e^{2,57}}{UXK^{0,7925866}}$	5803	-3795,6	-6562,3

Жадвал маълумотларидан маълумки, Е.Домар модели бўйича аниқланган талаб ва таклиф тенгламаси бўйича натижаларга кўра, мамлакатда 2018 йилда таклиф 66,5 фоизни, талаб 60,2 фоизни ташкил қилиб,

<sup>79</sup> Тадқиқот натижасидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ишланмаси

талабга нисбатан таклифни ошиб кетганлигини кўриш мумкин. 2019 йилда талаб ва таклифни бир оз мувозанатга келганлигини аниқланган бўлса, 2020 йилда талабни таклифдан ошиб кетганлиги аниқланиб бу ўз навбатида мамлакат иқтисодиётига пандемияни таъсири сифатида изоҳлаш мумкин бўлади.

Е.Домар модели асосида мувозанат нуқтасини ўрнатиш мақсадида, мавзу доирасидан келиб чиқиб, мамлакат асосий капиталига инвестиция ҳажми кўшимча қанча бўлганида меъёрлашиши аниқланди. Унга кўра, 2018 йилда кўшимча 47142,6 млрд. сўм, 2019 йилда 69326,8 млрд. сўм ва 2020 йилда 8932,1 млрд. сўм бўлганида талаб ва таклиф тенглиги ўрнатилиши мумкинлиги аниқланди. Бу ўринда 2020 йилда кўшимча киритилиши керак бўлган инвестиция ҳажмининг камлиги бевосита пандемия таъсирида карантин чекловлари туфайли ишлаб чиқариш объектларининг маълум муддатга тўхталиши билан боғлиқ деб қараш мақсадга мувофиқ.

Р.Харрод модели бўйича ҳисоб-китоб натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқий ўсиш суръати тенгламасини меъёрлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига инвестиция ҳажми кўшимча 2018 йилда 46917,7 млрд. сўм, 2019 йилда 61291,9 млрд. сўм ва 2020 йилда 9096,6 млрд. сўм киритилиши лозимлиги аниқланди. Кафолатланган ўсиш суръати бўйича 2017 ва 2018/ йилда камроқ бўлиб, 2020 йилда ҳақиқий ўсиш суръатига нисбатан 523,1 млрд. сўмга ошиб 9619,7 млрд. сўмга тенг бўлиши аниқланди.

Мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда Р.Солоу моделини Коб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2020 йилларда келтирилган маълумотлари асосидаги эконометрик модели орқали ифодалашни мақсад қилиб олдик. Унга кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми – YIMга таъсир этувчи асосий капиталга инвестициялар - AKI, иқтисодиётда бандлар сони - IBS, аҳоли жон бошига реал даромад – AJD ва уй хўжалиқларининг ўртача катталиги – UXK омилларини танлаб олинди. Дастлаб натижавий ва танлаб олинган омиллар



ўртасидаги корреляцион боғланишни аниқлаб олиш лозим.

Қуйидаги 3.2-жадвал маълумотларидан маълумки, натижавий омилга нисбатан уй хўжаликлари катталиги ўртача зичликда ва тескари боғланган ( $r_{YIM, UXK} = -0.601$ ). Қолган барча омиллар тўғри ва жуда кучли зичликда боғланганлигини кўриш мумкин. (3.2-жадвал).

### 3.2-жадвал

#### Натижавий омил ва омиллар ўртасидаги корреляция коэффиценти

	YIM	AKI	IBS	AJD	UXK
YIM	1				
AKI	0.9752231	1			
IBS	0.8191516	0.6999564	1		
AJD	0.9945083	0.7496250	0.7601410	1	
UXK	-0.6006949	-0.5376500	-0.6444693	-0.6151449	1

Таъкидлаш жоизки,  $r_{x_1, x_2} < 0,8$  шартга асосан омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмас ва шу боис, жараёни Eviews дастури ёрдамида давом эттирамиз. Унга кўра, жараёни ўзида ифода этувчи регрессия тенгламаси коэффицентлари ва ушбу ҳосил қилинадиган тенгламанинг мезонлар бўйича текширув натижалари жадвал кўринишида олинади (3.3-жадвал).

### 3.3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўп омилли регрессия тенгламасининг таснифи<sup>80</sup>

Dependent Variable: LNYIM				
Method: Least Squares				
Date: 07/27/21 Time: 21:13				
Sample: 2000 2020				
Included observations: 21				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNAKI	0.230246	0.049223	4.677632	0.0003
LNIBS	0.217153	0.585758	0.370722	0.0157
LNAJD	0.769948	0.106534	7.227225	0.0000
LNUXK	-0.7925866	0.553044	-1.43313	0.0311
C	2.565419	4.725740	0.542861	0.0447
R-squared	0.999582	Mean dependent var		10.99539
Adjusted R-squared	0.999477	S.D. dependent var		1.614075


<sup>80</sup> Муаллиф томонидан статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда Eviews дастурида ҳисобланган

S.E. of regression	0.036915	Akaike info criterion	-3.556118
Sum squared resid	0.021804	Schwarz criterion	-3.307423
Log likelihood	42.33924	Hannan-Quinn criter.	-3.502145
F-statistic	9554.766	Durbin-Watson stat	1.902610
Prob(F-statistic)	0.000000		

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффициент қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$\ln YIM = 0,23 \ln AKI + 0,217 \ln IBS + 0,77 \ln AJD - 0,7925866 \ln UXK + 2,57 \quad (3.5)$$

Аниқланган регрессия тенгламаси параметрларининг t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратилса,  $\alpha=0,05$  ва  $df=15$  бўлган ҳолда  $t_{\text{Жад}}=2,13145$  га тенглигидан иқтисодиётда бандлар сони -  $IBS(t_{\text{BIS}}=0.370722)$  ва уй хўжаликлари катталиги омилларининг параметрлари  $t_{\text{UXK}}=-1.43313$   $t_{\text{Жад}} > t_{\text{хис}}$  шартга кўра аҳамиятсиз бўлиб, ушбу параметрларнинг ҳақиқатда аҳамиятсиз ёки аҳамиятлилигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлақ фоиз хатолиги) ва TIS (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (3.6-расм).



**3.6-расм. Регрессия параметрларининг ретроспектив сифат мезонлари натижаси<sup>81</sup>**

3.5-расмда келтирилган маълумотларга кўра,  $MAPE=0,2595$  бўлиб, бу ўз навбатида  $MAPE=0,2595 < 10\%$  прогноз аниқлиги юқори ва  $TIS=0,0015 < 1$  прогноз аниқлиги қанчалик юқори бўлса, коэффициент шунчалик ногла интилишидан 3.5-регрессия тенгламаси параметрларининг барчасини

<sup>81</sup> Муаллиф томонидан статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда Eviews дастурида ҳисобланган

аҳамиятлилиги келиб чиқади деб айтиш мумкин. Математика қоидаларига биноан ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 3.1-регрессия тенгламасини потенцирлаб олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$YIM = \frac{AKI^{0,23} * IBS^{0,22} * AID^{0,77} * e^{2,57}}{UHK^{0,7925866}} \quad (3.5^*)$$

Ҳосил қилинган 3.5\*-регрессия тенгламасини ҳақиқатдан аҳамиятлилиги  $\alpha=0,05$  ва  $k_1=4$ ;  $k_2=15$  бўлганида  $F_{\text{жад}}=5,857805$  га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати  $F_{\text{хис}}=9554,8$  тенглигидан  $F_{\text{жад}} < F_{\text{хис}}$  шартга биноан 3.5\*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда  $DW=1,903$  тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Аниқланган 3.5\*-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, агар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига 1 млрд. сўм инвестиция киритилса, ялпи ички маҳсулот ҳажми кўшимча равишда 0,69 млрд. сўмга ошиши, иқтисодиётда бандлар сони минг нафарга таъминланса, ялпи ички маҳсулот ҳажми 10,4 млрд. сўмга ва аҳоли жон бошига реал даромадни минг сўмга оширилса, кўшимча 45,0 млрд. сўмга ошиши аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли уй хўжаликлари катталигини 1 нафардан оширилиши ҳозирги кунда мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини 454,1 минг сўмга камайтириши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ юзага келадиган глобал масала бўлиб, бу муаммо бўйича бутун дунёда кўрилаётган чора-тадбирларга кўшилган ҳолда ҳозирги кундан тайёргарлик кўришни тақозо этади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда инвестициялар жалб этишда қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб айтиш мумкин. Жумладан:

кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида саноат замонавий тармоқларини ривожлантириш ва инвестицион ҳамкорлик муносабатларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш;

мақсадга йўналтирилгани лойиҳалар тақдимотини амалга ошириш ва уларни баҳолаш механизмларини такомиллаштириш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар, битимларни тузиш ва уларнинг мониторинги олиб бориш;

маҳаллий, хорижий инвесторларга, мақсадли лойиҳаларга махсус имтиёзлар, преференциялар бериш ва бу борада хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бундан ташқари “инновация-инвестиция” уйғунлигини таъминлаш ҳам замонавий усуллардан бири ҳисобланади. У ўз моҳиятига кўра инновация лойиҳаларига инвестицияларни кенг жалб этишни назарда тутди. Бошқача айтганда, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, фаолиятларини кафолаташ ва суғурталаш, амортизация ва солиқ тартибларини соддалаштириш орқали инвестиция имтиёзлари тизимидан мақсадли фойдаланишни кўзда тутди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларининг ривожланишида кластерли ёндашув катта аҳамиятга эга бўлиб, хорижий инвестициялар ва лойиҳалар маблағларини унга йўналтириш меҳнат сиғими юқори бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, уларда янги иш ўринларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришга ихтисослашган пахтачилик-тўқимачилик, ғаллачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик, ипакчилик, балиқчилик, агротуризм, дориворшунослик кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

### **3.3. Мамлакат инвестиция стратегияси ва ундан самарали фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш истиқболлари**

Ҳозирги даврда пандемия шароитида жаҳон мамлакатлари ривожланишида иқтисодий инқирозга юз тутиб, бу борада дунёдаги халқаро молиявий ташкилотлар маълумотларини келтириб ўтиш ўринли. Жумладан, Халқаро валюта жамғармаси прогнозига кўра 2020 йилнинг биринчи ярмида жаҳон иқтисодиётининг умумий даражаси 3,0 % гача пасайиши мумкин. Мазкур иқтисодий пасайиш бир қатор давлатларда, жумладан, ривожланган давлатларда 6,1 % (жумладан, АҚШда 5,9 %, Европа Иттифоқи мамлакатларида 7,5 %) ҳамда бир қатор ривожланаётган мамлакатларда 1,2 % ни, қолаверса, Россия Федерациясида бу кўрсаткич 5,5 % ва Қозоғистон Республикасида эса 2,5 % ни ташкил этиши мумкинлигини қайд этилмоқда<sup>82</sup>.

Дунё мамлакатларида юзага келган иқтисодий вазият мамлакатимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида республикаимиздаги иқтисодий ўсиш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 1,6 % га пасайиши кузатилган. Бундан ташқари, инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми ҳам сезиларли қисқарган. Шундай бир вазиятда олдимизда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқартириш каби бир қатор долзарб муаммолар пайдо бўлиб турибди.

Бугунги юз бераётган инқироз деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиш эҳтимоли ўз тасдиғини топмоқда. Глобал инвесторлар ишончининг кескин пасайиши турли даромад даражасидаги барча мамлакатлар учун ташқи молиялаштириш шароитлари сезиларли қисқаришга олиб келди. Пандемия савдо алоқалари, таъминот занжирлари ва инвестиция оқимлари сусайишига сабаб бўлмоқда.

---

<sup>82</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Жаҳон иқтисодиётидаги турли иқтисодий бўҳронлар давлатларнинг нисбий афзалликлари инвесторларнинг даромадларини оширишга ундовчи механизмдир. Агар шу нуқтаи-назардан ёндашилса, инвесторлар ўз маблағларини нисбатан арзон хом ашё, меҳнат, энергия, ишлаб чиқариш ресурслари ва қулай инфратузилмага эга ҳудудга жойлаштиришга интиладилар. Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларининг нисбий афзалликларини баҳолаш ҳудудлар ижтимоий–иқтисодий ривожланишига инвестиция стратегиясини бошқариш, инвестициялар киритиш ва уни оптимал жойлаштириш ечимларини топишга хизмат қилади.

Бу вазифа бундан бир неча йиллар аввал алоҳида вазифа сифатида белгиланган бўлиб, фаол инвестиция сиёсати юритмай туриб иқтисодиёт таркибини қайта қурилиши бобида кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш даркор. Ушбу мақсад йўлида ташқи инвестицияларни, шу жумладан, чет эл сармояларини мамлакат халқ хўжалигига кенг кўламда жалб қилмоқ лозим. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқ ва бу ислохотлар стратегиясининг энг муҳим шарти ҳисобланади, бу бевосита ҳудудларнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш услубидан фойдаланишни ҳам тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, биринчи навбатда инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда тутувчи инвестиция сиёсати стратегиясини оқилона танлаш ва шакллантириш зарурдир. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожланишида муҳим ўрин эгаллаб, бундай инвестициялар технологик ускуналарни сафарбар этиш, замонавий усулларни импорт қилиш, жаҳоннинг машҳур компаниялари савдо белгилари, ноу-хаулар, трансмиллий компанияларнинг маҳсулот экспортини кенгайтириш учун жаҳон бозорларига кириб боришда фойдаланиш имкониятини яратади.

Олимларнинг фикрича<sup>83</sup> «...мамлакатларнинг инвестиция жозибадорлигини баҳолашда қуйидаги шартларни ҳисобга олиш керак:

иқтисодиётнинг турли даражаларида инвестиция жозибадорлигини фарқлаш;

инвестиция жозибадорлигини шакллантиришга объектив омилларнинг ажралмас тўпламининг таъсири;

миллий иқтисодиётнинг инвестиция жозибадорлигини тармоқлар ва минтақаларнинг йиғма инвестиция жозибадорлигига камайтирилмаслиги;

тенг бўлмаган ривожланиш шароитлари натижасида турли хил хатарларнинг пайдо бўлиши».

Ана шундай бир даврда мамлакат инвестиция жозибадорлигини оширишда инвестицион стратегияларни самарали бошқариш зарур, уни тизимли ривожлантириш қуйидаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашади:

мамлакат инвестиция стратегияси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга замонавий техника ва технологияларни қўллаш орқали, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

хорижий инвестицияларни иқтисодётнинг устувор соҳаларига йўналтириш орқали маҳаллийлаштиришни ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

мамлакатнинг инвестиция дастурида ходимлар масаласи инвестицияларни жалб қилишда ҳал қилувчи омил эканлигини ҳисобга олиб, замонавий рақобатбардош кадрлар билан таъминланишни ривожлантириш.

Айни вақтда тўғридан-тўғри инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва ташқи қарзларнинг ошишига олиб келмайди. Амалга оширилаётган истиқболли шартномалар натижасида, хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳудудий жиҳатдан ёндашув, республика ҳар бир ҳудудининг ривожланишини таъминлашга эришиш имкониятини

---

<sup>83</sup> А.Абрамов, А.Радьгин, М.Чернова. Эффективность управления портфелями паевых инвестиционных фондов акций и ее оценка. Экономическая политика. 2019. Москва. № 4, 47-48 с.

бермоқда. Ваҳоланки, ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини юксалтириш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки унинг йўналишини ҳам тўғри танлашга ҳам эътибор қаратиш талаб этилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>84</sup>ги қарорида коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсирининг салбий оқибатларини бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг инвестициявий ва ташқи иқтисодий фаоллигини тиклаш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун 2021 - 2027 йиллар учун ЕИ-Ўзбекистон ҳамкорлиги янги индикатив дастурини ишлаб чиқиш, мазкур дастур доирасида «коронавируснинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш» яқин йиллар учун ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Мазкур қарорда хорижий инвесторларга кўзда тутилган имтиёзлар тизимини маҳаллий инвесторларга қўллаш орқали уларни рағбатлантириш кўйидагиларга инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг тўлиқ ва узлуксиз 3 босқичли тизимини жорий этиш:

тармоқ (соҳа) ва бутун иқтисодиёт ривожи учун лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, устуворлиги ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги баҳоланишини таъминлаган ҳолда инвестиция даврдан олдин (лойиҳанинг ТИАни тасдиқлашдан олдин) таклифларни тайёрлаш;

инвестиция даври учун мониторингни амалга ошириш (заём, қарз шартномалари имзоланган даврдан бошлаб лойиҳани фойдаланишга топширишга қадар);

лойиҳа эксплуатацияга топширилганидан сўнг, ундан фойдаланиш даврида (эксплуатация) белгиланган натижаларга эришиш жараёнини

---

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2020 й., 09/20/526/1253-сон.



мониторинг қилиш белгиланган.

Б.А.Охуновнинг таъкидлашича,<sup>85</sup> «Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлар тизимини амалга оширишда нафақат ташқи инвестициялар манбаларига, шу билан бирга ички инвестициялар манбаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур». Бундай эътибор эзгу мақсадларни кўзлаб амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг стратегия ва тактикасини белгилаб олишга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ҳамжамият олдида муносиб ўрин эгаллашига мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сонли қарори ижросини таъминлаш шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, ундаги табиий қазилма бойликлари, қишлоқ хўжалиги, логистика, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа турдаги ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелидаги ПҚ-4300-сонли қарори доирасида Жиззах вилоятида анъанавий равишда 2018 йилдан бери Халқаро инвестиция форуми ўтказиб келинмоқда. 2019 йилнинг 29 август куни Жиззах шаҳрида II-Халқаро инвестиция форуми доирасида 25 та давлатдан (Россия Федерацияси, Буюк Британия, АҚШ, Белоруссия, Украина, Хитой, Сингапур, Қувайт, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Фаластин, Кипр, Туркия, Япония, Исроил, Германия, Франция, Венгрия, Чехия, Дания, Миср, Ҳиндистон, Афғонистон, Бангладеш ва ҳ.к.) 350 нафардан ортиқ инвесторлар ва хорижий

---

<sup>85</sup> Охунов Б.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши шароитида мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти. Т.: 2010. 66-67 б.

компания вакиллари иштирок этди.

Форум доирасида Жиззах вилояти ҳокимлиги ва хорижий компаниялар билан биргаликда умумий қиймати 1,112 млрд. АҚШ доллар бўлган соғлиқни сақлаш, машина қурилиши, электротехника, қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон металлургия саноатини ривожлантириш йўналишида 10 та инвестиция келишувлари имзоланди. Бу борада Жиззах вилоятида 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳалари режалаштирилди (3.4-жадвал).

### 3.4-жадвал

#### Жиззах вилоятида 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳалари<sup>86</sup>

Туманлар	2019 йилда ишга тушган лойиҳалар сони	2020-2022 йиллар давомида амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳалар		
		Лойиҳа сони (дона)	Умумий қиймати (млн.сўм)	Иш ўрни (та)
<b>Жиззах вилояти бўйича жами, шу жумладан:</b>	<b>257</b>	<b>604</b>	<b>27439799</b>	<b>22036</b>
Арнасой тумани	13	24	100 013	536
Бахмал тумани	15	45	418318	1118
Ғаллаорол тумани	16	75	928553	1669
Дўстлик тумани	15	45	197103	832
Зарбдор тумани	21	45	683169	1024
Зафаробод тумани	17	31	8208790	1606
Зомин тумани	25	47	1814632	1292
Мирзачўл тумани	24	36	923408	2858
Пахтакор тумани	21	28	3957219	1518
Фориш тумани	19	49	5631507	1715
Ш.Рашидов тумани	21	64	698306	1816
Янгиобод тумани	13	24	193158	769
Жиззах шаҳри	44	91	3685625	5283

3.4-жадвалдан кўришиб турибдики, 2020-2022 йилларда Жиззах вилояти бўйича умумий қиймати 27439799 млн. сўмлик инвестиция лойиҳалари белгиланган бўлиб, жалб қилинган лойиҳаларнинг ўз вақтида ва

<sup>86</sup> Жиззах вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотларига асосида муаллиф томонидан тузилган

сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган чоратadbирлар режаси асосида жорий этилган механизмга риоя этилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Худудларда инвестиция самарадорлигини ошириш жараёнларининг устувор йўналишлари давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлашнинг уйғунлашган ҳолда амалга оширилишига боғлиқ. Одатда ҳар қандай инвесторларни давлат ёки минтақада сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар таъсирида маълум бир давр мобайнида шаклланган макро мезо ва микро даражадаги иқтисодий вазият муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда инвестиция киритиш учун танланаётган давлат (минтақа)да инвестиция учун хавф-хатарлари қай даражада эканлигини билдирувчи маълумотлар биринчи ўринда туради. Шунинг учун мамлакатимиз худудларининг нисбий афзалликларини аниқлаш худудлар ижтимоий–иқтисодий ривожланишига инвестициялар киритиш ва уни оптимал жойлаштириш ечимларини топишга хизмат қилади.

Мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда инвестициялар ва инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш мақсадлари қуйидаги тамойилларга асосланади: инвестиция сиёсатининг устуворлиги ва тизимлилиги, мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестиция фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлиги ва мақсадлилиги: инвестицияларни рағбатлантирувчи имтиёзлар тизими.

Инвестицион истиқболни белгилаш бозор конъюнктурасининг, айниқса инвестиция инқирозларини имкониятлари ва муддатлари ўзгаришларини олдиндан кўра билиш инвестиция бизнесининг самарали фаолият юритишнинг ва давлатнинг худудий бошқарувидаги энг зарур шarti ҳисобланади. Шу ўринда муаллиф томонидан маҳаллий ва хорижий тажрибаларга суянган ҳолда, худудий инвестиция стратегиясининг шаклланиши, ички тузилмаси ва таркиби, мазмуни ва йўналишлари илгари сурилади.

Мамлакат инвестиция стратегиясининг шаклланишининг якуний

натижаси инвестицион прогнозлар, дастурлар, бизнес режалар ишлаб чиқиш ва баҳолаш, ҳудудий ёндашув асосида жалб этилаётган асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш ҳисобига янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш, ҳамда мавжуд субъектлар фаолиятини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари сонини кўпайтиришдир. (3.7-расм).



**3.7-расм. Мамлакат инвестиция стратегиясининг шаклланиши, таркиби, йўналишлари<sup>87</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг<sup>88</sup> 2030 йилга қадар

<sup>87</sup>Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>88</sup>Ўзбекистон Республика Президентининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. Lex.uz.

ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясида «инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашнинг устувор йўналишлари асосида натижага йўналтирилган инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодиётни инвестицион жозибадорлигини таъминлаган ҳолда қимматли қоғозлар ва молия бозорини ривожлантириш орқали капитал қўйилма ҳажмини ошириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш» вазифаси белгиланган ва ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб тармоқларни ривожлантириш вазифалари белгиланган.

Бу борада Жиззах вилоятида 2019 йилнинг январь-июнида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада – 387,9 млрд. сўми (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 378,3 миллион АҚШ долларини) ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 195,3 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб-қувватлашга, Жиззах вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (мулкчилик шакллари бўйича) давлат нодавлат жами инвестициялар 3187,9 млрд. сўми ташкил қилиб, шундан, давлат бюджети маблағлари 416,1 млрд. сўм, сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари 71,3 млрд. сўмга, корхоналар ва аҳоли маблағлари 694,6 млрд. сўм, чет эл инвестициялари ва кредитлари 1610,9 млрд. сўм, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 303,4, Тикланиш ва Тараққиёт фонди маблағлари эса 91,6 млрд. сўми ташкил қилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида – 34,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 1,1 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 1 078,9 млрд. сўм, (33,8 фоиз) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари 103,1 млрд. сўм (3,2 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 153,7 млрд. сўм (4,8 фоиз), кимё маҳсулотлари – 57,0 млрд. сўм (5,2 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 425,5 млрд. сўм (13,3 фоиз), металлургия – 0,6

млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондиционерлаш – 32,2 млрд. сўм (1,0 фоиз), қурилиш – 121,4 млрд. сўм (3,8 фоиз), ташиш ва сақлаш – 61,4 млрд. сўм (1,9 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 50,3 млрд. сўм (1,6 фоиз), ахборот ва алоқа 18,7 млрд. сўм (0,6 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 24,3 млрд. сўм (0,8 фоиз), таълим – 77,8 млрд. сўм (2,4 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 445,2 млрд. сўмлик (14,0 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди (3.5-жадвал).

### 3.5-жадвал

#### Жиззах вилояти ҳудудларида асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғи ўзгаришининг прогнози<sup>89</sup> (млрд.сўм.)

№	Ҳудудлар номи	2020 й. (ҳисобот йили)	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2025 й.	2025 йилда 2020 йилга нисбатан (+,-)
	Жиззах вилояти бўйича жами, шу жумладан:	3187,9	3265,7	3495,5	5177,9	5884,5	2696,6
1.	Жиззах шаҳри	1013,2	1156,3	1489,3	1586,4	1745,2	732,0
2.	Арнасой тумани	222,3	299,5	332,1	453,6	521,6	299,3
3.	Бахмал тумани	100,2	123,5	128,8	134,5	154,7	54,5
4.	Ғаллаорол тумани	170,5	187,5	199,0	245,0	271,7	101,2
5.	Ш.Рашидов тумани	233,1	265,8	271,7	289,5	325,0	229,8
6.	Дўстлик тумани	89,8	95,2	98,8	117,5	145,5	55,7
7.	Зомин тумани	281,9	314,5	332,5	487,5	507,5	225,6
8.	Зарбдор тумани	172,9	185,6	215,0	295,5	326,8	153,9
9.	Зафаробод тумани	384,2	416,5	523,5	690,6	734,1	349,9
10.	Мирзачул тумани	205,1	267,3	358,6	457,4	484,5	279,4
11.	Пахтакор тумани	127,9	165,9	251,0	289,5	317,9	190,0
12.	Фориш тумани	158,8	195,3	272,5	327,6	350,5	191,7
13.	Янгиобод тумани	26,4	32,8	39,5	45,9	53,5	27,1

Асосий капиталга киритилган инвестициялар 2019 йилда 1610,9 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 19,3 марта катта фоизни ташкил қилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича

<sup>89</sup> Жиззах вилоят Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши ишлаб чиқариш саноатига тўғри келиб, жами хорижий инвестициялар ҳажмидан – 51,5 фоизни ташкил қилди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 5,8 фоизга камайган, мос равишда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 31,5 фоизни ташкил қилди. Шу ўринда Жиззах вилоятида туманлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг истиқбол кўрсаткичларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

3.5-жадвалда Жиззах вилояти ҳудудларида асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғи ўзгаришининг прогнози келтирилган. Вилоят ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва ҳудуд иқтисодиёти рақобатбардошлигининг бош мезони сифатида инвестицион салоҳиятни барқарор ривожлантиришни келтириш мумкин. Жадвалдан кўришиб турибдики, Жиззах вилояти бўйича жами асосий капиталга киритилган инвестициялар салмоғи ўзгариши 2025 йилда 2020 йилга нисбатан 2696,6 млрд. сўмга ошиши прогноз этилган, бу кўрсаткич Жиззах шаҳрида 2025 йилда 1 745,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, Бахмал туманида 154,7 млрд. сўмни ёки ҳисобот даврида 54,5 млрд. сўмга тенг бўлади.

Прогноз даврида 2025 йилда айниқса қуйидаги туманларда: Ғаллаорол туманида 271,7, Ш.Рашидов туманида 325,0 Зафаробод туманида 734,1, Мирзачўл туманида эса 484,5 млрд. сўмга ошиши башорат қилинмоқда. Демак, ҳудудларнинг барқарор ривожланиши, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади. Ҳудуд инвестицион фаоллиги бўйича Жиззах вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар прогноз даврида барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлади.

Мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажмини юқорида ўтказилган эконометрик таҳлил натижасида аниқланган кўп омилли модель ва танланган омилларнинг ( $t=22$ ) вақтга боғлиқ ҳолдаги қуйидаги тенгламалар ифодалайди:

Асосий капиталга инвестициялар –  $AKI = -5236,3 + 9868,4 * t$ ;

Иқтисодиётда бандлар сони –  $IBS = 7372,2 + 279,4 * t$ ;



Аҳоли жон бошига реал даромад –  $AJD=-292,6+508,5*t$ ;

Уй хўжаликларининг ўртача катталиги –  $УХК=5,3-0,013*t$ .

Ушбу барча тенгламалар тизимидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўп омилли прогнози аниқланади (3.6-жадвал).

### 3.6-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўп омилли прогнози<sup>90</sup>

Йиллар	ЯИМ, млрд. сўм	Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	Иқтисодиётда бандлар сони, минг киши	Аҳоли жон бошига реал даромад, минг сўм	Уй хўжаликларининг ўртача катталиги, киши
2020	602551,4	202000,1	13239,6	10385,9	5,027
2021	636252,8	211868,5	13519	10894,4	5,014
2022	670317,5	221736,9	13798,4	11402,9	5,001
2023	704743,1	231605,3	14077,8	11911,4	4,988
2024	739527,5	241473,7	14357,2	12419,9	4,975
2025	774668,5	251342,1	14636,6	12928,4	4,962
2026	810164,6	261210,5	14916	13436,9	4,949

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 4,9 фоизга ошиб, 211868,5 млрд. сўмга, иқтисодиётда бандлар сонини 2,1 фоизга ошиб 13519,0 минг кишига, аҳоли жон бошига реал даромад 4,9 фоизга ўсиб 10894,4 минг сўмга ва уй хўжалигининг ўртача катталиги 0,3 фоизга камайган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажмини 5,6 фоиз ошиб 636252,8 млрд. сўмга етиши кутилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясида амалга оширилиши кўзда тутилган ислохотлар натижасида мамлакатимиз ЯИМ 2021 йилда 786227,0 млрд. сўмга етиши белгиланган бўлиб, 2021 йилда тадқиқотда аниқланган қийматдан 149974,2 млрд. сўмга камайганлиги 2020 йилда бутун дунёда юзага келган пандемиянинг таъсири деб қараш мақсадга мувофиқ.

2026 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми 2021

<sup>90</sup> Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф ҳисоб-китоби

йилга нисбатан 34,5 фоизга ошиб, 810164,6 млрд. сўмга етиши, бу албатта, асосий капиталга инвестиция ҳажмининг 29,3 фоизга ошиб, 261210,5 млрд. сўмга, иқтисодиётда бандлар сонини 12,7 фоизга ўсиб, 14916,0 минг кишига ва аҳоли жон бошига реал даромадини 29,4 фоизга ошиб, 13436,9 минг нафарга етганда кузатилиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар мамлакатда инвестициялар йўналтириш механизмларини мақсадли бошқаришни талаб қилади ва бу борада инвестициялар самарадорлигини оширишни мақсадли бошқаришни такомиллаштириш керак. Бу, албатта, мамлакат ва ҳудудларининг инвестиция имкониятларини ўрганиш, самарали бошқариш ва шаффофликни таъминлашни ўзида жамлаган бўлиши лозим. Давлат, маҳаллий ва чет эл инвесторлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишида маҳаллий бошқарув ходимларининг масъулияти ва вазифалари алоҳида белгилаб берилиши керак.

## **УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Мамлакатимиз ҳудудининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, биринчи навбатда инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда тутувчи инвестиция сиёсати стратегиясини оқилона танлаш ва шакллантириш зарурдир. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожланишида муҳим ўрин эгаллаб, бундай инвестициялар технологик ускуналарни сафарбар этишни билдиради.

2. Ҳудудларда инвестиция самарадорлигини ошириш жараёнларининг устувор йўналишлари давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватлашнинг уйғунлашган ҳолда амалга оширилишига боғлиқ. Иқтисодий ислохотлар шароитда инвестиция киритиш учун танланаётган давлатда (минтақада) инвестиция учун хавф-хатарлари қай даражада эканлигини билдирувчи маълумотлар биринчи ўринда туради. Шунинг учун

худудларининг нисбий афзалликларини аниқлаш худудлар ижтимоий–иқтисодий ривожланишига инвестициялар киритиш ва уни оптимал жойлаштириш ечимларини топишга хизмат қилади.

3. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида худудлар инвестицион жозибадорлигини ошириш учун инфратузилма ва АК, инновацион тизимларни яхшилаш, бошқа инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш мақсадида ҳудудий инвестиция стратегияси илгари сурилган. Мазкур дастурлар инвестиция жиҳатидан истиқболли лойиҳаларини экспертиза қилиш мониторингини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

4. Прогноз даврида 2025 йилда айниқса қуйидаги туманларда: Ғаллаорол туманида 271,7, Ш.Рашидов туманида 325,0 Зафаробод туманида 734,1, Мирзачўл туманида эса 484,5 млрд. сўмга ошиши башорат қилинмоқда. Демак, худудларнинг барқарор ривожланиши, интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим ҳудудий омилларидан бири инвестицион фаолликни ошириш ҳисобланади. Худуд инвестицион фаоллиги бўйича Жиззах вилояти иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар прогноз даврида барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлади.

5. 2026 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми 2021 йилга нисбатан 34,5 фоизга ошиб, 810164,6 млрд. сўмга етиши, бу албатта, асосий капиталга инвестиция ҳажмининг 29,3 фоизга ошиб, 261210,5 млрд. сўмга, иқтисодиётда бандлар сонини 12,7 фоизга ўсиб, 14916,0 минг кишига ва аҳоли жон бошига реал даромадини 29,4 фоизга ошиб, 13436,9 минг нафарга етганда кузатилиши аниқланди.

## ХУЛОСА

Мамлакатда инвестициялар самарадорлигини ошириш, ҳудудий инвестиция муҳити жозибadorлигини ошириш борасидаги вазифаларни такомиллаштириш масалаларининг илмий тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот натижалари асосида олинган хулосаларда ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг ўзига хос ривожланишини ҳисобга олган ҳолда инвестиция самарадорлиги назарий жиҳатдан асосланган. Ҳудудларнинг иқтисодийётига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий-меъерий асослари такомиллаштирилмоқда. Инвестициялар ҳудудларнинг доимий ривожланишини таъминлайди, қуйидаги вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради: молиявий ресурсларни жамлаш ҳисобига шахсий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги корхоналарни сотиб олиш, бизнеснинг янги йўналишларини эгаллаш. Ҳудудларда инвестициялар самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи омилларни такомиллаштириб бориш ва уларни амалиётга жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

2. Инвестицияларни жалб қилишда номутаносибликни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологик модернизациялаш, диверсификация сиёсатини кучайтиришга алоҳида эътибор қартиш лозим. Ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлигини баҳолашнинг асосий элементлари иқтисодий ривожланиш, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, ҳудудда инвестицион фаолиятни юритиш хавфсизлиги ҳамда ҳудуд демографик тавсифи киритилган. Ҳудудларга инвестициялар жалб этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, аввало, инвестицион иқлимни ўрганиш, маблағ сарфлаётган инвесторларнинг эътиборини ўта зарур ва устувор тармоқларга тўғри йўналтира олиш мақсадга мувофиқ. Мамлакатнинг алоҳида олинган ҳар бир ҳудуди ўзига хос мақбул инвестицион шароитини, муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришга

хамда инвесторлар учун жозибатор қилишга, ҳудуднинг инвестиция имижини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

3. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги турли бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймайди.

4. Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган ишлар натижасига бир назар солинса, 2019 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳажми 134 трлн. сўмдан ошиқроқни ташкил этган, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46 %га ўсганлиги кузатилган. Корхона ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар улуши эса 28937,2 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга инвестицияларнинг 21,6 %, аҳоли маблағлари ҳисобидан жами асосий капиталга инвестицияларнинг 9,8 % ёки 13069,5 млрд сўм ўзлаштирилган.

5. Е.Домар модели бўйича аниқланган талаб ва таклиф тенгламаси бўйича натижаларга кўра, мамлакатда 2018 йилда таклиф 66,5 фоизга, талаб 60,2 фоизга тенг бўлиб, талабга нисбатан таклифнинг ошиб кетганлигини кўриш мумкин. 2019 йилда талаб ва таклифни бир оз мувозанатга келганлигини аниқланган бўлса, 2020 йилда талабни таклифдан ошиб

кетганлиги аниқланиб, буни, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётига пандемиянинг таъсири сифатида изоҳлаш мумкин. Е.Домар модели асосида мувозанат нуқтасини ўрнатиш мақсадида, мавзу доирасидан келиб чиқиб, мамлакат асосий капиталига инвестиция ҳажми қўшимча қандай миқдорда бўлган ҳолатда меъёрлашиши аниқланди. Унга кўра, 2018 йилда қўшимча 47142,6 млрд. сўм, 2019 йилда 69326,8 млрд. сўм ва 2020 йилда 8932,1 млрд. сўм бўлганда талаб ва таклиф тенглиги ўрнатилиши мумкинлиги аниқланди.

6. Р.Харрод модели бўйича ҳисоб-китоб натижаларига эътибор қаратиладиган бўлса, ҳақиқий ўсиш суръати тенгламасини меъёрлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига инвестиция ҳажми қўшимча 2018 йилда 46917,7 млрд. сўм, 2019 йилда 61291,9 млрд. сўм ва 2020 йилда 9096,6 млрд. сўм киритилиши лозимлиги аниқланди. Кафолатланган ўсиш суръати бўйича 2017 ва 2018 йилда камроқ бўлиб, 2020 йилда ҳақиқий ўсиш суръатига нисбатан 523,1 млрд. сўмга ошиб, 9619,7 млрд. сўмга тенг бўлиши аниқланди.

7. Тадқиқотда аниқланган модел бўйича ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига 1 млрд. сўм инвестиция киритилса, ялпи ички маҳсулот ҳажми қўшимча 0,69 млрд. сўмга ошиши, иқтисодиётда бандлар сонини минг нафарга бандлигини таъминланса, ялпи ички маҳсулот ҳажми 10,4 млрд. сўмга ва аҳоли жон бошига реал даромадни минг сўмга оширилса, қўшимча 45,0 млрд. сўмга ошиши аниқланди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, агар аҳоли уй хўжаликлари катталигини 1 нафардан оширилиши ҳозирги кунда мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини 854,1 млрд. сўмга камайтириши кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли сонини ўсиши бўйича юзага келадиган глобал масалага тўғри келиб, бу муаммо бўйича бутун дунёда кўрилатган чора-тадбирларга қўшилган ҳолда ҳозирги кундан бошлаб тайёргарлик кўриб боришни тақозо этади.

8. Тадқиқот бўйича 2021 йилда 2020 йилга нисбатан асосий капиталга инвестициялар ҳажмини 4,9 фоизга ошиб, 211868,5 млрд. сўмга, иқтисодиётда бандлар сонини 2,1 фоизга ошиб, 13519,0 минг кишига, аҳоли

жон бошига реал даромад 4,9 фоизга ўсиб, 10894,4 минг сўмга ва уй хўжалигининг ўртача катталиги 0,3 фоизга камайган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,6 фоизга кўпайиб, 636252,8 млрд. сўмга етиши кутилмоқда.

2026 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми 2021 йилга нисбатан 34,5 фоизга ошиб, 810164,6 млрд. сўмга етиши, бу албатта, асосий капиталга инвестиция ҳажмининг 29,3 фоизга ошиб, 261210,5 млрд. сўмга, иқтисодиётда банд бўлганлар сонини 12,7 фоизга ўсиб, 14916,0 минг кишига ва аҳоли жон бошига реал даромадини 29,4 фоизга ошиб, 13436,9 минг нафарга етганда кузатилиши аниқланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: – Ўзбекистон. 2008.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 й. 609-1-сон Қонуни.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 30.04.98 й. 611-1-сон Қонуни.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида» 29.08.1996 й. 263-1-сон Қонуни.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг 30.04.1998 й. 609-1-сон Қонуни.;

1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 30.04.98 й. 611-1-сон Қонуни.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 11.04.2005 й. ПФ-3594-сон Фармони.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 01.05.2006 й. 74-сон Қарори.

1.9. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (2014 й.13 ноябрь).;

1.10. Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар



тўғрисида» 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604 сон Қонуни;

1.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилаётган корхоналарни ёки акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотиш тартиби» 18.11.1998 йилдаги Қарорининг иловаси.;

1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги. 26.03.2002 й. Қарори;

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Lex.uz.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6 сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04. 2018 й. 03/18/476/1087-сон.

1.15. Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 август, ПФ-5495-сон Фармони. [http:// www Lex.uz](http://www.Lex.uz).

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [http:// www Lex.uz](http://www.Lex.uz).

1.17. Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида» 2020 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604 сон Қонуни

1.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2020 й., 09/20/526/1253-сон.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил.Lex.uz.

1.20. Ўзбекистон Республика Президентининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси. Lex.uz.

## **2. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

2.1. Абрамов А., А.Радыгин, М.Чернова. Эффективность управления портфелями паевых инвестиционных фондов акций и ее оценка. Экономическая политика. 2019. Москва. № 4, 47-48 с.

2.2. Бельчук А. Вновь об оценке реформ в Китае. Ж. Мировая экономика и международные отношения, 2005, №4)

2.3. Мустафакулов Ш.И. (2017) Инвестицион мухит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. Тошкент. 2017 “Iqtisod-Moliya”. – 186 б.

2.4. Вдовин. С.М. Инвестиционная привлекательность как фактор устойчивого развития региона. Экономический анализ: теория и практика. Москва. 41 (392). 2014.-24 с.

2.5. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўллари. Т.: Иқтисодиёт ва таълим, 2017.№4 -86 б

2.6. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности региона//Монография. Ташкент, IFMR. 2014.

2.7. Охунов Б.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши шароитида мақбул инвестиция мухитини шакллантириш. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт институти. Т.: 2010. 66-67 б.

2.8. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. Ташкент: “Iqtisod-moliya”. 2005. с. 95-96.

2.9. Тўразода Б. Эркин иқтисодий зоналар – тараққиёт таянчи. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/34365/> 2021 йил 28 апрель.

2.10. Мустафакулов Ш.И.Ўзбекистон ҳудудларида инвестицион мухит жозибадорлигини ошириш йўналишлари. Миллий товарлар

рақобатбардошлигини оширишда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва тезислари тўплами (2018 йил, 27 ноябрь). –Т.: ТДИУ. Фан ва технологиялар, 2018 й.-32 б.

2.11. Камилов Д.Минтақавий иқтисодий ўсишни таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2019. -249 б..

2.12. Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси ва автореферати. ТМИ. 2019 йил. 24 б.

2.13. Мустафакулов Ш.Совершенствование научно-методологических основ повышения привлекательности инвестиционной среды в Узбекистане. Автореферат докторской (DSc) диссертации по экономическим наукам. БФА РУз, 2017.57 с.;

2.14. Амонов Х.Э. Привлечение иностранных инвестиций в условиях приватизации: автореф. дис. ... канд. экон. наук; Банк. финанс. академ. – Т.: 2002. – 20 с.;

2.15. Обломуратов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлар: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент: Давлат ва жамият қурилиши академияси. 2008. 143 б.;

2.16. Оленицкая Л. Конкурентоспособные стратегии экономического развития НИС Азии и возможности их адаптации к условиям Узбекистана. – Автореферат дис. к.э.н. – Т., 2006.

2.17. Собиров А.А. Совершенствование механизмов управления и регулирования привлечения прямыхиностранных инвестиций в экономику Узбекистана. Автореферат докторской (DSc) диссертации по экономическим

наукам. Т.: Ташкентский государственный экономический университет, 2019.  
- С. 85-87.

2.18. Хашимова Н.А. Совершенствование научно-методических основ развития инвестиционного потенциала в Республике Узбекистан. Автореф. дис. к.э.н., Т.: Ташкентский государственный технический университет, 2017.

2.18. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. / Дисс. PhD. – Самарқанд. 2018. 111-б.

### **3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

3.1. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик.-Т.: Fan, 2019. -212-466 б.

3.2. Б.Б. Беркинов ва б. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: Иқтисод, 2011.- 128 б.

3.3. Бланк И. А. Управление инвестициями предприятий. - К.: Ника-Центр, Эльга. 2003. – С. - 102.

3.4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хожирий инвестициялар. Учебное пособие. Т.: Молия, 2010.-238 с.

3.5. Гулямов С.Г. Анализ проектов. – Т., 1996, - С. 125.

3.6. Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. -Калининград: БИЭФ, 2001.,-С. 355.

3.7. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег / пер. с англ. проф. Любимова Н. Н. под ред. Куракова Л.П. М.: «Гелиос АРВ», 1999. С. 7.;

3.8. Кэмбелл Р., Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах, Таллин, 1993. с. 399

3.9. Маршалл А. Принципы экономической науки/ А.Маршалл: В 3 т. - М.: Прогресс. - Т.3. - 1984.-119 с.

3.10. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика.М. : 1992, С. 120-121

- 3.11. Мухиддинов Р.М. Организационно-экономические проблемы интенсификации инвестированного процесса. - Т., Фан, 1990.
- 3.12. Менежмент ва бизнес асослари(дарслик). С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Меҳнат.1997-245 б.
- 3.13. Михайлова. Е.В. Финансовые рынки и их формирование. Под. Ред. Л.Н.Красавиной. - М. 2007, с-357.
- 3.14. Носов.А.Л. Региональная логистика. – М.: Альфа-Пресс, 2007 г. - 85 С.
- 3.15. Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. - М.: Прогресс, Т. 2 - 1985. - 240 с.
- 3.16. Розенберг Д.М. Инвестиции.- М.:ИНФРА, 2007, с-173.
- 3.17. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций.-М.: Финансы и статистика. 2001.-С.-48-50.
- 3.18. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Изд. соц.-экон. литературы, 1962. С. 256.
- 3.19. Смит А., Рикардо Д. Сочинения // Классика экономической мысли. - М.: ЭКСМО Пресс, 2000. - 164 с.
- 3.20. Хикматов А. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане// Рынок, деньги и кредит, - Т. 2000, - №6,
- 3.21. Хикс Ж.Р. Стоимость и капитал.: Инг. тил. тарж. Р.М.Энтонов.- М.: Прогресс,1993, - С. 488.
- 3.22. Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари, - Т, Молия, 2003.
- 3.23. Шарп У., Александер Г.VernonR. International Investment and International Trade in Product Cycle // Quarterly Journal of Economics. — 1966. — № 80. — P. 190–207.
- 3.24. Юлдашев Ш.Г. Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси миллий тақдор ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ўсиш ва эркинлаштириш омили сифатида. - Т. 2002, - Б. 125.

3.25. Alfaro L., Rodriguez-Clare A. Multinationals and Linkages: Evidence from Latin America // *Economic*. - 2004. № 4. P. 113–172.

3.26. The FDI Report 2021 // Global greenfield investment trends. <https://fdi-report-2021.fdiintelligence.com>.

3.27. January 2020 Global Economic Prospects: Slow growth, policy challenges.

3.28. World Bank. 2020. Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges. Washington, DC: World Bank. DOI: 10.1596/978-1-4648-1468-6.

3.29. <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

3.30. <http://stats.oecd.org/>

3.31. [http://economy\\_en\\_ru.academic.ru/29533/hands-on\\_management\\_style](http://economy_en_ru.academic.ru/29533/hands-on_management_style)